БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1990 ЙИЛ

30 НОЯБРЬ № 48 (3100) ЖУМА

ГАП ПУЛДАМИ?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Адолат» комиссияси иш бошлаганига бир йил бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз комиссия раиси Тоҳир МАЛИК билан комиссия фаолияти хусусида суҳбатлашди.

— «Адолат» комиссияси иш бошлаганига бир йилдан ошибди. Лекин қилинган ишлар ҳақида кам эшитяпмиз.

— Тўғри, ҳали дабдабаларга асос бўлувчи ишлар қилинмади. Аниқроқ айтсак, кўзга майдароқ кўринадиган, лекин жуда муҳим амалий ишлар қилиняпти. Давлат хавфсизлиги қўмитаси билан алоқа боғладик. Репрессия қурбонларининг, жабр кўрганларнинг ишлари билан танишиш бошланди. Комиссия Абдулҳамид Чўлпоннинг бир жилдлик тўпламини кўриб чиқди. Ҳозир нашрга тайёрланган Абдурауф Фитрат асарларини кўриб чиқиш керак. Комиссиянинг асосий вазифаси ва мақсади яшириллган, илгари ман этилган асарларни халққа қайтариш. Ҳозирча биз фақат ёзувчиларнинг номларини қайтардик, холос. Асарлар эса нашриётларда дам навбат, дам қоғоз кутиб ётибди. Шу ўринда нашриётларимиздан гина қилишга ҳақимиз бор. Асарларни тўплаб, нашрга тайёрлаши лозим бўлган олимларимизнинг суст ҳаракат қилишларини ҳам айтиш керак. Мен Ғафур Ғулом номидаги нашриёт раҳбарларига ўтган йилиёқ Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Ғози Юнуснинг суратларини портрет шаклида чиқаришни таклиф қилиб эдим. Афсус, таклиф инобатга олинмади.

Биз Андижонда чўлпонхонлик, Бухорода фитратхонлик, Хумсонда элбекхонлик ўтказдик. Халқ йиғилиб, сўзларимизни жон қулоғи билан тингилади. Афсуски, йиғинлар фақат гапдан иборат бўлди. Халқ бу улуғларнинг китобидан ҳануз маҳрум. Нашриёт-ку қоғоз йўқ, деб баҳона қилар. Театрлар-чи? Фитрат, Ғози Юнус асарлари қачон пойтахт театрларида қўйилади? Бу асарларни қўядиган режиссёр йўқми, ё ўйнайдиган актёр йўқми? Менингча, санъаткорларимизда эътибор йўқ. Маданият тарихимизни очиш, юқорига кўтариш учун фидойилик йўқ.

— Давлат хавфсизлик қўмитаси билан алоқалар ўрнатилмоқда, дедингиз. Улар барча маълумотларни беришяптими?

— Бу саволга аниқ жавоб беришим мушкул. Чунки уларда нима бор, нима йўқ, нималарни яшириб қолишяпти ёки нималар йўқолган, билолмаймиз. Ҳар ҳолда кўп ҳужжатлар йўқолган. Яқинда қўмита бизнинг илтимосимизга кўра жавоб бериб Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Ғози Юнус 1938 йил, 5 ноябрда Тошкентда отилган, дафн этилган жойи аниқ эмас, деб жавоб берди. Лекин бу хат бизда шубҳа уйғотди. Чунки айрим маълумотларга қараганда улар 3 ноябрда отилиб, 5 ноябрда ҳукм ёзилган. Ғози Юнус онласидан олинган маълумотга кўра у киши 1942 йил 5 майда очликдан вафот этганлар. Шу пайтга қадар уйга хат ёзиб турганлар. Бу чигалликларни ҳам ечишимиз керак.

— Репрессия қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш ишлари қай аҳволда?

— Бу ишда бир оз силжиш бор. Бевақт қурбон бўлган улуғларимиз номи кўчалар, мактабларга берилди. Лекин бу денгиздан томчи, холос. Биз, энг аввало, бу улуғларнинг рамзий қабрларини тиклашимиз шарт.

Улар отилган янги телеминора атрофида, қадим «Алвасти кўприк» деб аталган жойдан қонлари томган тупроқдан киндик қонлари тўкилган ерга олиб бориб қабр тиклашимиз зарур. Бу ер барчамизнинг знёратгоҳимиз бўлиб қолиши керак. Андижонлик, бухоролик ўртоқлар бунга тайёргарлик кўришяпти. Бундан ташқари, биз президентимизга мурожаат қилиб бегуноҳ одамларимиз отилган Юнусобод даҳасида ёдгорлик ўрнатиб, ўша ерда музей очиш, пойтахт марказида, Ленин музейи қаршисидаги майдонда эса ҳайкал ўрнатиш масаласини ҳал этиб беришни илтимос қилдик.

— Буларнинг ҳаммаси катта маблағ талаб этса керак?

— Ҳа, Абдулла Қодирий уй-музейининг дастлабки таъмир ишларига қарийб 200 минг сўм кетади. Уй-музейни кўнгилдагидек қилиш учун бир неча миллион сўм зарур. Лекин бу масалада пулдан қочмаслик керак. Чунки хориждан бир меҳмон келиб «тарихимизда улуғлар кўп ўтган дейсиз, қани, бир обида кўрсат-чи?» деса нимани кўрсатамиз? Ҳазрат Навоийнинг алоҳида музейлари йўқ. Уй-музей қуролмаймиз, чунки у киши Ҳиротда яшаганлар, қабрлари ҳам ўша ерда, Машрабнинг, Фурқатнинг қабрлари ҳам хорижда, Қодирийларнинг қабри эса умуман йўқ. Шундай экан бизда бирдан-бир имконият — Қодирий уй-музейини тиклаш. Агар шу ишга 20 миллион сўм кетса ҳам чўчимаслик керак. Халқимиз бир сўмдан берса ҳам 20 миллион сўм йиғиб беради. Музейлар, рамзий қабрлар ҳам керак. Булар Қодирий ёки Чўлпонга эмас, бизга, айниқса ёш авлодга керак. Бу обидалар фақат мудҳиш йилларни эсга солмайди. Балки бундай мудҳишликлар олдини олиш зарур, деб барчамизни огоҳлантириб туради.

Катта ишлар катта чиқим талаб этади. Шу боис «Адолат» комиссиясининг фонди — жамғарма ҳисобини очишга карор қилдик.

— Демак, фондлар яна биттага кўпаядиган бўлдиби-да?

— Ҳа. Лекин бошқа чора йўқ. Аввало, айрим фондларга зарурат сезилмайди. Айтайлик, болалар фонди деймиз. Бу фондга одамлардан пул йиғмай, фарзандларини ташлаб кетган отаоналардан ундириш керак. Қолаверса, баъзи жамғармалар вакт ўтиши билан фаолиятини якунлайди. Энди «Адолат» жамғармасига келсак, бу ишни фақат жамоатчилик асосида юритиш кийин. Маълум бир гуруҳ фақат шу иш билан шуғуллансагина тезроқ муддаога етиш мумкин. Ундан ташқари жуда кўп эски китоблардан нусха кўчириш керак, архивларда иш олиб бориш лозим. Бунинг барчаси маблағ талаб этади. Таъбир жоиз бўлса — булар майда харажатлар. Энг кўп маблағ ҳайкал, музей, ёдгорлик лавҳаларига кетади. Бундан ташқари жамғармага кўп пул тушса, бир қисмини шу улуғлар номи билан аталувчи стипендияларга (талабалар ва аспирантлар учун) ишлатиш мумкин.

Суҳбатимиздан фойдаланиб азиз муштарийларга, маданиятимиз, хусусан адабиётимиз жонкуярларига **«Адолат» жамғармаси ҳисоб рақамларини билдириб қўйсам: Код 73427. Ҳисоб рақами: Р/с 0006700307 Тошкент шаҳри. Уй-жой ижтимоий банки бошқармаси.**

«АЛИШЕР НАВОИЙ» ОПЕРАСИ САҲНАДА

Куни кеча республикамиз маданий ҳаётида яна бир воқеа юз берди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри коллективи буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан «Алишер Навоий» операсини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этди. Уч парда, олти кўринишли бу операни И. Султон ва Уйғунниг шу номдаги пьесаси асосида композитор Мутал Бурҳонов музикаси ва либреттоси бўйича режиссёр Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Иўлдошев саҳналаштирди.

Драма театри режиссёрининг опера актёрлари, ижодий ходимлари билан ҳамкорлиги яхши самара бергани спектаклдан сўнг айтилган фикрлардан ва умуман томошанинг йиғилганларда қолдирган таассуротидан билиш мумкин. Муҳокамада сўзга чиққанлар коллективни янги ва яхши асар билан табрикладилар, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Жумладан, композитор Сайфи Жалил шундай деди:

— Биз Мутал Бурҳоновни яхши биламиз... Баҳодир Иўлдошев эса бу операни саҳналаштириб, ўзининг янги қирраларини намоён этди. У ўзига хос мизансаҳналар яратишга муваффақ бўлган. Бутун ижодий группани табриклайман.

Мусиқашунос Отаназар Матёқубовнинг сўзлари ҳам унга ҳамоҳангдир:

— Муаллифни ажойиб асар билан табриклайман. Бугун шундай спектакль кўрганимиздан хурсандмиз... Унда ҳамма нарса ўзига хос. Спектаклда инсонийлик биринчи ўринда туради.

Ҳа, опера кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бунда, албатта, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, музика раҳбари ва дирижёр Ғ. Тўлаганов, рассом Т. Шорахимов, рақсларни саҳнага қўйган СССР халқ артисти Г. Измайлова, хормейстерлар Л. Шильгрут, М. Яндринская, либослар бўйича рассом, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими З. Куриш, концертмейстерлар, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Паркова ва Н. Волохнинг ҳам хизматлари бор.

Алишер Навоий ролини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳусанов ва Ш. Ғофуров, Гули ролини республика ижрочилар кўриги совриндори Ш. Тўхтабоева, Ю. Абдуллаева, М. Маматова, Ҳусайн Бойқаро ролини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Бозоров ва Ш. Зиямуҳамедов ижро этмоқдалар. Қолган ролларда М. Мелиев, П. Мустафоев, Х. Кичинбоев, Ю. Ёқубов, Б. Расулов, Р. Ҳидоятова, Н. Синҳабибий, О. Кучликова, М. Ўринбоева, И. Жабборов ва бошқалар чиқадилар.

СУРАТЛАРДА: операдан кўринишлар.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

Исмат ХУШЕВ

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛИШ — МИЛЛАТЧИЛИК ЭМАС

БУГУНГИ ШИДДАТЛИ ҳаётимиз келажак тарихчилари учун бой маънавий озуқа беради. Шубҳа йўқки, келажакда муаррихлар бизнинг ишларимизни қайта-қайта элакдан ўтказиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Хатоларимизни рўй-рост кўрсатиб, биримизни ерга уриб, фош этиб, биримизни кўкка кўтаради. Ҳа, агар келгусида холис тарихчилар сақланиб қолса, худди шундай қилади. Аммо, давр нуқтаи назаридан қарасак, ҳозирги қалам аҳлига осон эмас. Чунки узоқ йиллар бизга фақат оқ, қора ранглар бор, деб ўргатиб келишди. Биз яшаган давр кимки партия, ҳукуматни мақола ёки шеърларда мақтамаса, ким ўз халқининг қадрини ҳимоя қилса, у — миллатчи, экстремист деган ёрлиқлар ва, албатта, халқим деганч учун жазолар оладиган давр эди. Ўтмишдаги улуғ давлат арбобларимиз ва даҳо мутафаккирларимизни бизга қора ёки олабўжи қилиб кўрсатишди. Онасини танимай ва тан олмай, уни отиб ўлдирган манқуртларга ўхшаб қолдик. Эндигина сал ақлимиз кириб, ўзлиримизни таний бошлаганимизда, меҳнаткаш, мўмин, доим кўнгли ва дастурхони очиқ халқимизнинг қадр-қимматини ҳимоя қила бошлаганимизда марказий матбуот нашрлари бизнинг тўғримизда яна «маҳдуд», «миллатчи», «дўстларини, оғаларини ҳайдашяпти», «бу халқ айниди» деган туҳмат гапларни ёғдира бошлади. Афсуски, булар оғзаки, шунчалик ғийбат гаплар эмас, балки «Труд», «Известия», «Союз» каби мўтабар нашрлар кетма-кет ўз саҳифаларида носоғлом шов-шув кўтариб, ўзлари билиб-билмай, қардош халқларимиз дўстлигига раҳна солишмоқда. Бу нашрларда 170 мингдан знёд рус ва бошқа халқлар Ўзбекистонни тарк этишиб, «ички муҳожирлар»га айланганлиги ҳақида ёзилди. Марказий матбуот нашрлари ҳадеб такрорлайверса, ҳақиқий аҳволдан хабарсиз четдаги одамлар, ростдан ҳам, Ўзбекистонда фақат порахўрлар, чайқовчилар, гиёҳвандлар, миллатчилар ва экстремистлар яшар экан, деган мишмишларга ишониб қолишлари ҳеч гап эмас.

Аслида аҳвол қандай? Ростдан ҳам, Ўзбекистондан бошқа миллат вакиллари ялписига кўчиб кетишяптими? Албатта, йўқ. Аслида, ҳамишадагидай, жумҳуриятимиздан кетаётганларнинг сони келаётганлар сонидан кам эмас.

Марказдаги баъзи ўртоқлар «Биз ўзбек халқига турли соҳада етук мутахассислар ва ҳарбий кадрлар билан ёрдам берямиз-у, ўзбеклар ношукурлик қилиб, Россияга мева-чева, узум, қовун-тарвуз олиб келиб, қимматига сотиб, чўнтакларини қаппайтириб кетишяпти», деб таъна қилмоқдалар. Эҳтимол бундай таъналар қисман ўринлидир? Ўзбекистонда ҳам ҳар хил одамлар бор. Жумҳурият аҳолисининг ярмидан кўпи қашшоқ, аммо оч қолмайди, бунинг боиси, аввало халқимизнинг тинмай меҳнат қилаётганлигидан, қолаверса, қишлоқларимизда ва шаҳарлардаги кичик-кичик ҳовлиларда ҳамда кўча, майдон, боғларимизда турли мева дарахтлари яхши парвариш қилинаётганлигидадир.

Агар халқимиз марказий нашрлар таъкидлаганидай намойишбоз, миллатчи, экстремист бўлганида жумҳурият далаларида оғир меҳнат билан етиштирилган мўл пахта ҳосилини қисқа муддатларда йиғиб, терib, давлатга арзон баҳода сотармиди? Бу йил деҳқонларимиз ҳамишадагидай тер тўкиб меҳнат қилдилар. Аммо очиғини айтсак, уларнинг турмуши яхшиландими? Йўқ, ҳамон уларнинг дастурхонида нон-чойдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Деҳқонлар сариёғ, қандни шаҳардан олиб кетишарди. Кимдир ўйлаб топган янги тартибга кўра, шу нарсалар ҳам паспорт билан берилиб, қишлоқлардан келганларнинг насибаси қийилди. Эҳтимол, матлубот жамиятлари қанд, шакар ва сариёғни қишлоқ магазинлари орқали етказиб бераётгандир? Билмадим. Аммо, шуни биламанки, Сирдарёдан бир ойда 1—2 марта келадиган журналист ўртоғим ҳар келишида картошка билан сариёғ олиб кетар эди.

Тўғри, ҳозир Ўзбекистон халқи сал эркин нафас ола бошлади. Фарғона, Ўш, Паркент воқеалари такрорланмай қолди. Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари халқ ҳаётини аста-секин яхшилаш учун бир қанча тадбирларни амалга ошира бошлади. Жумҳуриятнинг президентининг чекка шаҳар ва қишлоқларни ичимлик суви, электр нури ва газ билан таъминлаш ҳақида чиқарган фармони аста-секин бажарилмоқда. Бирданига ҳамма ёқ фаровон бўлиб кетиши қийин. Бундай воқеа фақат эртакларда юз бериши мумкин. Бу йилги пахта ҳосилидан тушадиган даромадлар энди халқ ҳаётини ахшилаш учун ҳам сарфланиши сир эмас.

Шу билан бирга Ўзбекистон турғунлик йилларидан ота мерос бўлиб қолган иқтисодий инқироздан якка ўзи, қардошлар ёрдамисиз чиқа олмаслиги ҳам турган гап. Ҳар бир ўзбек хонадонига маълум бўлган ажойиб ҳамжиҳатлик-ҳашар усули умумиттифоқ миқёсида ҳам жуда қўл келишини халқимиз яхши тушунади.

Аммо, шуниси ҳам кундай равшанки, ер-сувларимизни, табиатимизни вайрон қилган, болалар ўлимини кўпайтирган, халқимизнинг генетик фондини нимжон қилиб қўйган пахта яккаҳокимлигини тугатмай туриб жумҳуриятимиз иқтисодий инқироздан чиқиши қийин. Чунки, турғунлик йиллари авж олган ижтимоий адолатсизлик, маънавий ва моддий қашшоқланиш, экология соҳаларидаги вайронгарчилик пахта яккаҳокимлиги билан, уни келтириб чиқарган маъмурий-буйруқбозлик тизуми билан, имкониятдан ташқари зўрлаб бериладиган давлат буюртмалари билан боғлиқдир.

ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ туфайли йилдан йилга давлат планлари ошиб, деҳқонлар қашшоқлашиб, ерлар шўрлашиб, заҳарланиб борди. Бир замонлар айиқирган сойлар, зилол сувли жилғалар билан сероб диёр эндиликда яшаш хавфли бўлган зоналарга айланди. Эндиликда «серсув» Амударё ва Сирдарё ўрнида сув камлигидан узоқ километрларгача қуриб битган ўзанларни кўрасиз. Амударё ҳавзаси деб белгиланган жойларда қум барханларини кўрасиз. Аму билан Сирдарё сувлари етиб боролмаганидан Орол касалланди, ҳатто ўлим ёқасига келиб қолди. Бир вақтлар кемаларда балиқчилар ов қиладиган сермавж тўлқинлар ўрнида ҳозир ўша кемаларнинг суяк-устихонлари, жасадлари қабристонини кўрасиз. Орол денгизини тўлдирувчи икки дарё сувлари ҳам, бу денгиз ва дарёлар атрофида яшаётган минг-минглаб одамлар ҳам «миллий иқтисоримиз» — пахтага қурбон қилинди. Россиядан, Украинадан ҳар йили «десант» бўлиб, ёрдамга келаётган минглаб врачлар ва ҳамширалардан сўрасангиз, қай аҳволга тушиб қолганлигимизни айтишади. Пахтакор она сутидан заҳар борлигидан боласини эмизолмаслигини, болалар ўлимининг дунёда энг юқори даражага етганлигини, ёш авлод заҳарли химикатлардан майиб-мажруҳ бўлиб ўсаётганлигини билиб оласиз. Бу далалардан ҳар қандай соғ одамнинг ҳам тепа сочи тикка бўлиб кетади, уйқуси ўчади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам марказий матбуот нашрлари ана шу ёрдам «десантлари», уларнинг хулосалари ҳақида, пахтакор жумҳуриятлардаги, айниқса энг «бой» пахтакорлар маскани Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳвол ҳақида истар-истамас, жуда кам ёзишар? Баъзи врачлар заҳарли химикатлар оқибатида халқимизнинг генефонди—авлодлар ирсияти бузилганлигини айтмоқдалар. Демак, бутун бир халқнинг зуваласи айниб, йўқ бўлиб кетиши эвазига пахта «мустақиллигига эришилибди-да? «Нурли келажак» қурувчиларининг биринчи сафларида бориш учун халқимиз ўзини қурбон қилаётган экан-да? Ҳар гал нурли чўққиларга яқинлашганимизда қандайдир сиёсий ва иқтисодий жарлик тубига тушиб кетганимиз маълум бўлиб қолади...

Чернобил фалокати бир неча дақиқада юз берган бўлса-да, аслида бу узоқ йиллар йиғилиб қолган жиноий лоқайдликлар оқибати эди. Ўрта Осиё ерлари бундан ҳам узоқ йиллар давомида заҳарланиб, дарёлар ва денгизимиз қуритилиб, одамларимиз саломатлиги йўқотилиб келинди. Чернобил фалокати қурбонларига ачинамиз, албатта. Чернобил болаларига худди Улуғ Ватан уруши йилларидаги каби эшикларимизни катта очганмиз. Аммо Ўзбекистон ерлари, сувлари ва ҳавоси заҳарланиши давом этса, биз ўзбеклар қаерга сиғамиз? Россиянинг бўз тупроқли вилоятларигами? У ерлардаги маҳаллий аҳоли бизни қучоқ очиб кутиб олмаса керак?

Ўзлари туғилиб-ўсган ёки тарихан ота-боболарининг юртига кўчиб кетаётган қримликлар, яҳудийлар, немислар, руслар, татарлар, бошқирдлар ва бошқаларни ватанларини қайта топганлиги учун қоралашимиз керакми? Сталинча оғир қатағонлик йилларида бу одамлар бизнинг юртимизда бошпана ва меҳр-оқибат топдилар. Меҳр-оқибат топиш эса ҳамма замонларда бир бурда нон топишдан қийинроқдир. Мана энди ўз юртларига кетаётганлар халқимиз билан хайрлашаётганида кўзларига ёш оладилар, меҳр-оқибатлари учун миннатдорчилик билдирадилар. Адоват ва душманлик бўлса шундай хайрлашадими? Бошқаларни билмадиму, лекин Шарқ халқлари душманларини дастурхонига таклиф этмайди.

Давоми иккинчи бетда

ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Шу йил 28 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXIV съезди ўз ишини бошлади.

Съезд йшидан бир кун олдин Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов жумҳурият комсомолининг XXIV съезди делегатлари билан учрашди. Президент жумҳуриятимиз олдида турган муаммолар, бозор иқтисодиётига ўтишга кўрилаётган тайёргарлик, халқнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш борасида қилинаётган ишлар хусусида гапирди. Бу муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг ўрни ва хизмати катта бўлиши лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун жумҳурият раҳбарлари ёшларга тегишли имконият ва шароитлар яратиб беришга тайёрлигини, уларнинг яхши ташаббусларини қўллаб-қувватлашини айтди. Жумҳуриятимизда барча ишларни изга тушириш, халқимизнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш учун барча ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиши, олдимизда турган муаммоларни бақамти ҳал қилиши лозим, деди.

Жумҳурият Президенти ёшларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. А. Новожилов, Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси А. Ҳ. Саидов, жумҳурият комсомоли Марказий Комитетнинг биринчи котиби А. Н. Носиров қатнашдилар.

Ўзбекистон комсомолининг XXIV съезди делегатлари бир неча муҳим ҳужжатларни муҳокама қилиб тасдиқлайдилар. Съезднинг биринчи куни Марказий Комитет биринчи котиби А. Н. Носиров ҳисобот маърузаси қилди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети тафтиш комиссиясининг раиси Б. Ҳ. Убайдуллаев шу комиссиянинг ҳисобот маърузасини қилди.

Ёшлар анжуманининг делегатлари ялпи мажлисдан кейин «Комсомол дастури ва устави», «СССРда ёшлар сиёсати тўғрисида», «Комсомол ва халқ таълими муаммолари», «Комсомолда ҳисобга олиш ва тафтиш» муаммо марказларида иш бошладилар.

Съезднинг биринчи кунида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов бошчилигидаги жумҳурият партия ва совет раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. А. Новожилов, ВЛКЁИ Марказий Комитетининг биринчи котиби В. М. Зюкин иштирок этдилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

БАЛЕТ КЎРИГИ

Шу кунларда жумҳуриятимиз пойтахтида Бутуниттифоқ балет фестивали ўтказилмоқда. Фестиваль кунлари П. И. Чайковскийнинг «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал», «Ромео ва Жульетта» каби бир қанча машҳур балет асарлари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилади.

Бу анжуманга Иттифоқимизнинг барча шаҳарларидан, шунингдек, Франция, Англия, Югославия, Польша каби хорижий мамлакатлардан ҳам балет санъати усталари, театршунослар таклиф этилган.

Фестивалдан кўзда тутилган мақсад, барча санъат жабҳасида бўлгани каби, балет санъатининг ҳам бугунги кунда йиғилиб қолган бир қатор муаммоларини ҳал этиш, миллий балет санъати ривожини юксалтириш ва бошқа халқлар санъаткорлари билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришдир.

П. И. Чайковский таваллудининг 150 йиллигига бағишланган бу фестиваль Иттифоқимизда биринчи марта Тошкентда ўтказилмоқда.



СУРАТЛАРДА: Бутуниттифоқ балет фестивалининг очилиши. Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси, СССР халқ артисти Бернора Қорнева фестиваль қатнашчиларини табрикламоқда. Қозоғистонлик санъаткорларнинг «Оққуш кўли» балетидан кўриниш.

С. КАГАН суратга олган

Ҳафталигимизнинг шу йил 9 ноябрь сонида босилган тилшунос олим Карим НАЗАРОВнинг «Алифбо ҳам миллий бўлсин» мақоласи юзасидан кўплаб мактуб ва мақолалар олдик. Бугун шоир Муҳаммад СОЛИҲнинг шу мавзудаги мулоҳазалари билан танишасиз.

ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА

Муҳаммад СОЛИҲ

ЕТМИШИНЧИ ЙИЛИ немис файласуфи Вилгелм Гумболдтнинг «миллий ёзуви бўлмаган халқ доим ўзгаларга қарам бўлади» деган фикрини ўқиган эдим. Бу фикр менга шу заҳотиёқ таъсир қилди, деб айтолмайман. Бу фикр худди секин таъсир этадиган заҳар каби руҳни безовта қила борди. Эҳтимол, бу фикр ўзликни англаш учун биринчи туртки бўлгандир.

Менинг тенгдошларим, бугунги қирқ ёшли ижодкор зиёлилар икки мезон — Шарқ ва Ғарб маданияти ўртасида муаллақ ўсган авлоддир. Муаллақ деганимга сабаб, бу авлод ҳар икки қутб маданиятининг коммунистик мафкура кўзгусидаги аксини кўрди, ўзини эмас. Эркин фикрлашга туғма рағбати бўлган ҳолда, у ижтимоий фикриётда идеал ахтариб, энг зарур пайтда — шахсияти шаклланаётган даврда — саросимага тушди. Фақат она тил, туркий тилнинг табиати ва унда битилган айрим намуналар ўша саросима пардасини йиртиб, миллиятчилик сари юришга ундагандай бўлди. Абдулла Қодирийнинг романлари, Миртемирнинг халқона ёзилган айрим шеърлари, чиққан заҳот мусодара қилинган «Тирик сатрлар» китобидаги 20-йиллар шоирларининг асарлари ва Абдулла Ориф, Чўлпон Эргаш, Рауф Парфи каби замондошларимизнинг «коса тагида нимкоса» шаклида битилган айрим шеърлари бизга уйқуда ётган миллатимизнинг мозаик қиёфаси бўлиб кўрина бошлади.

Ўтмиш намояндалари таъсири ҳақида гапирмаяпман, чунки тарих ва бизнинг ўртамизда қурилган «хитой девори» етмишинчи йилларда ниҳоятда мустаҳкам эди. Миллат ғурурини уйғотадиган ҳар қандай тарихий шахс фаолияти оммавий тарғиб қилинмас, аксинча, бундай тарғиб тақиқланар эди. Ҳатто буюк Навоий асарлари ҳам фақат бир томондан, замон мафкурасига мослаштириб талқин этилган ва унинг асл сиймоси биздан йироқ эди.

Мен буларни ёзар эканман, айнан ўз тенгдошларим дунёқараши шаклланишини эмас, балки уларни яхшироқ билганим учун ва шу мисолда 20-йиллардан кейин вояга етган барча зиёлилар дунёқараши ҳақида ўз тахминимни билдирмоқчиман. Ойбек авлоди ҳам худди биз каби у ёки бу даражада саросимага тушган, худди биз каби миллий қадриятларни пайпаслаб ахтаришга мажбур бўлган авлоддир.

Қизиғи шундаки, биз кеча истибдоддан саросимага тушган бўлсак, бугун истиқлол ифоридан ўзимизни йўқотиб турибмиз. Биз интизор кутган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ислоҳлар рўпарамизда турибди ва шу масъул сонияда бир оз шошиб қолдик. Тил жабҳасидаги ўзгаришларни олиб кўрайлик. Бу соҳада қилинаётган ҳаракатни муайян дастур ва аниқ концепцияга асосланган ҳаракат дейиш қийин. Газеталар ўзича, нашриётлар ўзича, маъмурий идоралар ўзича ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, «аэропорт» калимасини форсча «тайёрагоҳ» билан алмаштириб, «институт» сўзини форсча «олийгоҳ»га дўндирсак, тилимиз миллийлашадими? Чет тилидан кирган «район»ни чет тилидан олинган «ноҳия» билан алмаштирсак, «вазирлар кабинетига» яна бир арабча сўз қўшиб «вазирлар маҳкамаси» десак, янада ўзбекроқ бўламизми? Ахир, ўзимизнинг туркий ўзбек тилимиз, унинг ўнлаб лаҳжаларида беҳисоб туркий сўзлар бор-ку. Нега районни — туман, аэропортни — қўналға, самолётни — учоқ деб аташдан ҳадиксираймиз? Институт ва кабинет сўзлари бизнинг тилимизга сингиб кетган, уларнинг муқобили туркчада йўқ бўлса, нега уларни тилимизда қолдириш мумкин эмас? Бунинг устига, «олийгоҳ» ва «маҳкама» калималари «институт» ва «кабинет» тушунчасини мутлақо ифодаламайди. «Ноҳия» сўзи эса — уни ўзбек талаффуз қилганда — кечирасиз, худди ўрисча сўкишга ўхшаб «жаранглайди». Шунингдек, газетани форсча «рўзнома», газетхонни «муштарий» дейиш ҳам миллийликка кирмайди.

Тил зўрликни ёқтирмайди. Жонли тилдаги бирор-бир сўзни худди унинг ўзи каби «жонли сўз» билан, яъни халқ тилида яшаётган калима билан алмаштириш мумкин холос. Бундай сўзларни ўзбек тилининг лаҳжаларидан, керак бўлса, умумтурк сўз хазинасидан бемалол топиш мумкин. Албатта, биз тилимизни бутунлай «турклаштириш» тарафдори эмасмиз. Бунинг иложи ҳам йўқ. Қолаверса, бундай йўналишнинг зарарли томонларини тарих кўрсатди. Масалан, «соф тил» учун курашган Туркиядаги ислоҳчилар фаолияти оқибатида биз ўзбек турклари Туркия туркчасини ўқир экан, тез-тез луғатга қарашга мажбур бўламиз. Улар ясаган «туркий» неологизмларга тишимиз ўтмай қолаётганини сезамиз. Ваҳоланки, биз Тавфиқ Фикрат ёзиб ижод этган Туркия туркларининг асарларини, худди ўзбекча ўқиган каби, тутилмай ўқиймиз. Ислоҳнинг бундай нотўғри йўлга кириб кетишидан ўша ислоҳни бошлаганлардан бири буюк мутафаккир Зиё Кўкалп ҳам огоҳлантирган эди. Афсуски, бу нозик иш кейинчалик «радикал»лар қўлига тушиб қолди ва оқибати, Туркия туркларининг тили бошқа турклар тилидан сезиларли даражада узоқлашди.

Бугун бизда ҳам бу жабҳада бирёқлама иш кетаяпти. Фақат «турклаштириш» томонга эмас, «араблаштириш» ва «форсийлаштириш» томонга кетаяпти. Ҳали кеч эмас, теварагимизга бир қараб олишга вақт бор. **Ислоҳни биринчи навбатда ўз тилимиз бойлигига, унинг имкониятларига суяниб ўтказишимиз керак.** Атамалар комиссиясининг сиёсати ҳам шу йўлга йўналтирилса, ўз фаолиятини оқлаган бўлар эди. Албатта, бизнинг бугунги ислоҳлар олдида эсанкирашимизга газеталар ҳам, идоралар ҳам, атамалар комиссияси ҳам айбдор эмас. Ҳамма гап адабий тилимиз мезони асосига қўйилган луғавий бойлик Туркистон деб аталмиш бепоён мамлакатнинг фақат икки минтақаси — Фарғона ва Тошкент шевасидан олинганлигидадир. Агар Навоий ва Бобур шеърияти ҳам фақат шу икки шева бойлиги билан чеклanганда эди, уларнинг хазинаси бунчалик кўз қамаштирмаган бўларди. Аждодларимиз, биздан фарқли ўлароқ, ҳар бир шевадан, ҳар бир лаҳжадан унумли ва ўз ўрнида фойдаланганлар. Улар бир эмас, ўнлаб шеваларни яхлит турк тили сифатида кўриб, бундан ҳайратга тушган ва фахрланганлар.

Акс садо

Афсуски, бугун ўзбек адабий тили мезонларини қайтадан белгилашнинг иложи йўқ ва бу, эҳтимол, лозим ҳам эмасдир. Фақат тилчи олимлар, бизнинг академиямиз ва ёзувчи, шоирларимиз ўз фаолиятини йўқотилган бойликларимизни топишга йўналтирсагина, ўша нотўғри тил сиёсати оқибатларидан қутулишимиз мумкин. Бу «оқибатлар» биз ўйлагандан кўра чуқурроқдир. Улар фақат атамаларда ёки адабий тилимизда эмас, жонли тилда — оғзаки нутқда ҳам ўз изини қолдирмоқда.

Бир мисол келтираман. Сўфи Оллоёрнинг «ичингда ўтинг бўлса ўт ичидан ўт» сатри устида ёзувчи дўстларимиз билан тортишиб қолдик. Мен битта «ўт» сўзида бир хил ҳарфлар билан ифодаланган уч хил мазмундаги сўзни топиш, хусусан: ўт — олов, ўт — ўтака, ўт — буйруқ феъли, яъни «ўтиб кет!» буйруғини кўриш мумкин, дедим. Ва кирилл алифбосидаги «ў» ҳарфи фақат «ўт-олов»даги «ў» товушини беради, лекин «ўтака» сўзидаги биринчи ҳарф берадиган товуш[1] бу алифбода йўқ, дедим. Суҳбатдошларим эътироз билдиришди: «ўтака» сўзи ҳам, «ўтмоқ» феъли ҳам ўт» (олов) сўзидаги «ў» ҳарфи берадиган товуш билан талаффуз қилинар экан. Мен баҳсни давом эттиришга ўзимда рағбат топмадим. Улар ўзича ҳақ эдилар. Тошкент шевасида бугун ўша учта сўзнинг биринчи ҳарфлари чиндан ҳам бир товуш билан ифодаланади. Буни илмда омонимлар дейишади. Олимлар фикрича, омонимлар тил бойлигидир. Лекин товушлар-чи? Уларнинг ранг-баранглиги бойлик эмасми?

МАЪЛУМКИ, ўзбек тили, барча турк тиллари каби, сингармоник тил. Унли товушлар мутаносиблигига (гармониясига) қурилган тилдир. Бугунга келиб бу хусусият тилимиздан йўқолиб бораётганга ўхшайди. Сингармонизмнинг йўқолишини олимлар тил тараққиёти деб ҳам аташмоқда. Тилнинг соддалашуви деб эътироф қилмоқда ва буни табиий жараён, демоқдалар.

Аслида бу тараққиёт эмас, **турғунликдир.** Соддалашув эмас, **жўнликдир.** Табиий жараён эмас, **сунъий мажбуриятдир.**

Биз кирилл алифбосини қабул қилиб, тилимизга тор ва ярашмаган бир кийим кийдирдик. Алифбо тилимизга эмас, тил алифбога бўйсуна бошлади. **«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 45-сонида К. Назаровнинг мақоласида бу хусусда жуда яхши фикрлар айтилди.** Лекин, афсуски, Назаров айтганидай кирилл алифбосига фақат икки белги (ж, ва н, (нг) қўшиб, ёзувимизни ислоҳ қилиш қийин.

Мавжуд алифбомизда йўқ ҳарфлар анчагина:

1. Ўлим, кўл, ўтака сўзларидаги биринчи ҳарфни ифодалайдиган товуш йўқ. Бу сўзлардаги кириллча «ў» белгиси, юқорида айтдик, фақат «ўт» (олов) сўзидаги «ў»ни ифодалайди, холос.
2. Ука, ундамоқ, ун чиқармоқ. Бу сўзларнинг биринчи ҳарфини ифодалайдиган (лотинча) товуш[2] йўқ. Кириллча «у» ҳарфи «узун» сўзидаги «у» ни ифодалайди, холос.
3. Исфара, Исмат, истамоқ сўзларидаги биринчи ҳарф лотинча I (ай) йўқ. Кириллча «и» ҳарфи эса «ит» сўзидаги биринчи товушни ифодалайди.

Изоҳда келтирилган лотинча белгилар[3] Туркия турклари алифбосида худди биз қўллаган сўзларда ишлатилади. Айнан шу белгиларнинг йўқлиги сабаб, биз ўзбек тилида сингармонизм йўқолиб кетяпти деб юрибмиз. Айнан шу сабаб, биз тилимиздаги товушлар ранг-баранглигидан маҳрум бўлиб бораяпмиз. Товушлардаги бирхиллик худди рангларнинг бир хиллиги кабидир. Шеър эшитаётиб, товушларни ажратолмасак, биз сурат кўраётиб ранг ажратолмаган далтоникка ўхшаб қоламиз. Ўхшаб қолаяпмиз ҳам. Сўфи Оллоёр сатри устидаги баҳс мисолида буни кўрдик. Бу — 30-йилларда ўтказилган тил ва алифбо сиёсати оқибатидир.

Бу фожиа фақат ўзбекларни ташвишга солаётгани йўқ. Иттифоқ ҳудудида яшаётган барча туркий халқлар алифбо ислоҳини қайтадан бошлаш тараддудини кўрмоқдалар. Бизга ҳам янги алифбо керак. Унга қўйиладиган талаблар нима?

Бўлажак ўзбек алифбоси ўзбек тилининг табиатига тўғри келиши, унинг қонуниятларига бўйсуниши ва бошқа туркий халқлар ёзуви билан мос келиши, умумтурк тил бирлигини таъминлаш учун хизмат қилиши лозим.

Шундай алифбо Кирилл ёзуви бўлиши мумкинми?

Йўқ. Буни 50 йиллик тарих кўрсатди.

Араб алифбоси-чи?

Бунга жавоб беришдан олдин изоҳ зарур. Маълумки, араб алифбосида бизнинг минг йиллик тарихимиз ёзилган. Бу тарихни биз каби, болаларимиз ҳам билмоғи лозим ва араб хатида битилган туркча матнни ўқий билишлари керак. Бугун араб хати мактабларда ўқитилмоқда, бу жуда яхши. Лекин расмий алифбо сифатида бу ёзувни қабул қилсак, худди кирилл ёзувида учратган тил муаммоларимиз қайтадан бош кўтаради. Араб ёзуви кирилл алифбоси каби, турк тилининг сингармоник табиатига тўғри келмайди, унли товушлар бойлигини ифодаламайди. Шунинг учун ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу алифбони туркий тилга мослашга ҳаракат қилиб, «Хатти Бобур»ни тузган.

Қолаверса, миллий аҳамият деган нарса бор. Масалан, арман алифбоси — арманларники, гуржи ёзуви — гуржиларники, кирилл хати — славянларники, араб алифбоси — арабларникидир. Нутқимиз бошида келтирилган В. Гумболдтнинг фикри, хоҳлаймизми йўқми, миллий психологиямизнинг энг теран жойларига тегади, безовта қилади. Хоҳлаймизми йўқми, алифбо — энг ноёб ижтимоий-фалсафий ҳодиса ва у миллат руҳиятида шубҳасиз акс этади.

Бизнинг ҳамиятимизни ҳақорат қилмайдиган ўз хатимиз борми? Бор. Қадимги ўрхун ёзувлари бор. Агар бу ёзувни ислоҳ қилиб (яна ислоҳ!), барча туркий қавмлар қабул қилганда эди...

Лекин бунинг иложи йўқ. Бугун ўрхун ёзувларида ифодаланган кўп товушлар тилимиздан чиқиб кетган. Кейинги минг йил ичида тилимизга кириб келган форс ва араб калималари бу жараёнга жиддий таъсир кўрсатди. Хуллас, ўрхун ёзуви биз учун амалий алифбо бўла олмайди.

Назаримда яна бир алифбо бор. Бу лотин алифбосидир. Дунё мамлакатларининг кўпчилик қисмида бу алифбо расмий ёзув сифатида қабул қилингандир. Аммо лотин деган бир халқ йўқ. Лотинлар эрамиздан олдин ўтган италиён қабилаларининг бири эди. Лотин алифбосида бугун Туркия турклари ҳам ёзмоқдалар. Озарбойжонлар, татарлар ҳам шу алифбони қабул қилиш тадбирини кўрмоқдалар. Қирқинчи йилгача биз ҳам шу алифбода ёзганмиз. Озарбойжонлар, ҳатто кирилл хатини қабул қилиб ҳам, бу алифбога лотинча белгиларни қўшишга мажбур бўлган эдилар. (Бу мажбурият бизда ҳам бор эди, аммо биз бунга журъат этмадик. Эҳтимол, бунинг кераги ҳам йўқ эди, чунки икки-уч белги билан ҳеч нарсага эришиш мумкин эмас эди.)

ҚИСҚАСИ, БИЗ юқорида қўйган талабларга тўла жавоб берадиган, хусусан: умумтурк тилини яқинлаштирадиган, бу тил қонуниятларига мос тушадиган, кам ислоҳ талаб қиладиган ва энг муҳими, амалий кучга эга бўлган хат — бу лотин алифбосидир.

Агар биз лотин алифбосини қабул қилишга жазм этсак, бу тадбир бошқа турк жумҳуриятлари билан келишган ҳолда, ягона бир алифбо танлашдан бошланмоғи лозим.

1. Ö
2. Й
3. Ö, Ü, I

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛИШ — МИЛЛАТЧИЛИК ЭМАС

Боши биринчи бетда

Менга 176 минг одам Ўзбекистондан кетаётганлигини айтишганда, кетаётганлар ва кузатишга чиққанлар орасида кечагина маҳалла тўйларида ва азаларида узун дастурхон атрофида бирга ўтиришган турли миллат вакиллари хаёлимга келди. Мана шу турли миллат вакиллари билан гурунглашганимизда биз умумий душманимиз — маъмурий-буйруқбозлик тазйиқини қоралаймиз, қайта қуришда жиддий ўзгаришлар юз берса, идора манфаатларини эмас, инсон манфаатларини ҳимояловчи адолатли қонунлар қабул қилинса, Иттифоқимиздаги ҳамма халқлар ёруғликка чиқишини орзу қиламиз.

Аммо, ҳали иқтисодий танглик, қашшоқлик, ишсизлик мавжуд экан, бу иллатларнинг асл сабабчиси ким эканлигини тушунмасдан турли миллатлар бир-биридан кўриб, низолашмоқдалар, аламини кимдан олишни билмай, жаҳл устида Фарғонадаги ва Ўшдаги каби бир-бирларининг уйини ёқиб, жонларига қасд қилиб, қон тўкишларга йўл қўймоқдалар. Бундай жаҳолат ва разолат илдизлари қаерда эканлигини билмай, халқ изтироб чекмоқда. Оқил одамлар, зиёлилар, руҳонийлар, ҳукумат раҳбарлари янги низоларнинг олдини олмоқдалар.

Баъзилар Қорабоғдаги, Фарғонадаги, Ўшдаги қонли воқеаларни, миллий низоларни мамлакатдаги ижтимоий кескинликнинг демократия кучайганлиги туфайли ошкора тус олиши деб деб ҳисоблайдилар. Баъзилар эса бу қонли низоларнинг келиб чиқишига бир қадаҳ пиво ёки бир ликобча қулупнай сабаб бўлди, деб куракда турмайдиган гапларни айтишмоқда. Учинчи одамлар бу қонли низоларнинг моҳир режиссерлари, уюштирувчилари бор, деб ҳисоблайдилар. Қандай бўлмасин, Иттифоқ ҳукумати вакиллари бу низоларни енгил изоҳлашга уринадилар.

Шу пайтгача миллий жумҳуриятларга марказнинг хом ашё базаси деб, шовинистик руҳда муносабатда бўлиш миллатларнинг ўз қадр-қиммати учун кураш ҳаракатини вужудга келтиради. Сиёсат, иқтисод, маънавият соҳасидаги нотенглик, ошкора айтганимизда, узоқ йиллар давом этган миллий камситишлар Болтиқбўйи, Кавказ жумҳуриятларида мустақиллик эълон этилишига олиб келди. Ўзбекистон аҳолиси ҳам ўз қадр-қимматини англаб иқтисодий мустақиллик талаб қилди. Бу ҳақда декларация эълон қилинди. Аслида бутун мамлакатимиз каби жумҳуриятларимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши уларнинг иқтисодий мустақил бўлишини тақозо қилади. Шу маънода Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллик йўлига ўтишини марказий ҳукумат табиий ҳол деб ҳисоблади. Аммо, баъзи марказий нашрлар бизни яна миллатчиликда айбламоқда.

Иттифоқ қонунларига ҳам, жумҳуриятлар қонунларига ҳам барча миллатлар бир хилда амал қилишлари керак. Ўзбекистонда чиқарилган давлат тили ҳақидаги қонун эса ўзга миллатларнинг айрим вакилларига ёқмади. Тўғри жумҳуриятимизда яшаётган бошқа халқларнинг вакиллари ўзбек тилини самимият билан ўрганишга киришдилар. Модомики, ўзбеклар икки тилда гапирар экан, марҳамат қилиб, бу ердаги бошқа миллатлар ҳам тенглик юзасидан иккинчи она тили ўзбек тилини ўргансалар, бу фақат дўстона муносабатларни сақлаш ва кучайтиришга хизмат қилади. Аммо, баъзи менсимаслик кайфиятидаги «мангу меҳмонларимиз» чорак аср ёки ярим аср давомида ҳам ўзбек тилида «нон», «сув», «ота», «она», «ака», «ука», «дўстлик» деган 5—10 сўзни ўрганишолмади ёки ўрганишни хоҳлашмайди. «Миллатчилик» ёрлиғидан чўчиб қолган ўзбек миллий зиёлиларининг кўпчилиги ҳатто давлат тили ҳақида Қонун чиққанидан кейин ҳам ўзбекча гапиришдан қўрқиб, барча мажлисларини ҳамон марказ тилида олиб бормоқдалар. Бу зиёлиларнинг баъзилари ҳатто она тилини ҳам унутиб юборишган. Улар «Ўзбекча гапирсак, оғаларимиз тушунмай қолади», деб ўйлашади. Ва, айтайлик, «Пушкин кўчаси» деган ёзув тагига албатта «Улица Пушкина» деб ёзишни талаб қиладилар. Марказий нашрларда худди шу кўча ёзувлари ўзбекчалигини миллатчилик кўриниши деб ҳисоблайдиганлар топилди. Аслида чорак ёки ярим аср Ўзбекистонда яшаб, «сув», «нон», «кўча» деган сўзларни билмаган дўстларнинг дўстлигига ишониш мумкинми? Яхшики, кейинги вақтларда юзлаб корхоналарда 3 ойлик ва 6 ойлик ўзбек тили курслари очилди. Ҳақиқий тенглик тарафдорлари ўзбек тилини қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Илгари ҳамма рус тилида гапиришни ўйлаши керак эди. Миллий онги уйғонган, миллатпарвар, диёнатли одамларни «миллатчи», «пантуркист», «панисломист» деб, бошларига не кунларни солмадилар? Ўзининг бой ва гўзал, кўп асрли маданий меросини ўрганишга уринган миллатнинг асл фарзандларини қатағон этиб, баъзиларини ўлдириб бошқаларини ГУЛАГ оролларида чиритиб юбордилар. Байналмилалчилик ана шундай шафқатсиз, террористик усулларда жорий этилди. Александр Солженицининг «ГУЛАГ ороллари» романидаги икки маҳбуснинг суҳбати эсингиздами? Эски маҳбус янги келганидан сўрайди: «Сенга неча йил беришди?» Янгиси айтади: «25 йил». Эскиси сўрайди: «Нима гуноҳинг учун?» Янги маҳбус: «Ҳеч қандай гуноҳим йўқ», дейди. Эски маҳбус ишонмайди: «Алдаяпсан, ҳеч қандай гуноҳинг бўлмаса 10 йил беришади», дейди.

МИЛЛИЙ ОНГИМИЗНИ, тилимизни, маданиятимизни йўқотиш учун сталинча қатағонлик даврида қандай жазолар қўлланмади, дейсиз. Ҳаммадан ёмони, миллий зулмнинг олий кўриниши миллий алифбомизнинг тақиқланиши бўлди.

Ахир халқимизнинг ифтихори бўлган, жаҳон маданияти юлдузлари ҳисобланган Форобий, Мусо Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат асарлари битилган миллий ёзувимизни тақиқлаш, йўқ қилиб юбориш сталинча марказнинг зулми эмасмиди? Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқа порлоқ даҳоларимизнинг жисман йўқ қилиниши миллий маданиятимизга берилган қақшатғич зарба эмасмиди?

Энди замон ўзгариб, демократия шабадалари эсиб, эркинроқ нафас олаётган пайтимизда ёш авлод ўзининг бой ва қадимий маданиятини ўрганишга, қадимий ёзувини қайта тиклашга уринаётганлиги табиий ҳол бўлибгина қолмай, инсоний қадриятларимизни тиклаш соҳасидаги зарурият ҳамдир. Чунки бу ҳам бутун бир авлодни саводсиз қилиб қўйган марказнинг репрессив ҳаракатига қарши акс ҳаракатдир. Ёшларимиз минг йиллик бой маданияти хазиналаридан ажралиб қолишни хоҳламайдилар.

Халқ қадрини, миллий туйғуларини таҳқирловчи ҳаракатлар ихтиёрий ёки беихтиёр рус халқи билан боғлиқ тасаввур қилингани учун ҳам маълум даражада ана шу халққа муҳаббат ўрнини нафрат эгаллаши, низолар чиқиши турган гап эди. Аммо айрим кучлар бу халқ ҳаракатларини усталик билан қўшни халқларнинг ўзаро низоларига, қон тўкишларга айлантириб юборди. Халқларимизнинг онгсизроқ табақалари бу хунрезликларнинг асл сабабчисини тушунолмай, бир-бирини қира бошлади.

Иттифоқимиз халқлари узоқ йиллар «тенглик», «қардошлик», «фаровонлик» деган шиорлар остида яшадилар ва бу шиорлар амалда тескари бўлгани учун уларга ишончларини йўқотдилар. Тўғри, халқларимиз фақат бир соҳада — халққа қарши маъмурий-бюрократик тузумнинг жабр-зулмини тортишда бирдай тенг эдилар. Фақат ўз манфаатини ўйлаб, меҳнаткашни менсимайдиган ана шу амалпараст тўралар ҳамон Иттифоқдаги барча халқларнинг миллий қадриятларини ва суверен ҳуқуқларини оёқ ости қилиб келмоқда. Ана шу тўралар тасарруфида: демагогия, сиёсатбозлик, душманга чиқариш, қаҳатчиликни ташкил этиш каби ўткир қуроллар бор. Халқимиз эндиликда бюрократ бошлиқларнинг демагогияси — сафсатабозлигига ишонмайдилар, чунки улар энди ўз инсоний ҳуқуқларини таниб-билиб олишган.

Статистика рақамлари одамларни ажаблантиради. Иттифоқимизда маҳсулотлар ишлаб чиқариш унумдорлиги атиги бир неча фоизга камайган, дўконларнинг пештахталари эса бўм-бўш. РСФСР ва Украинада буғдой ва қанд лавлаги ҳосили ошиб-тошиб кетган. Аммо одамлар талонига қанд, шакар тополмайди. Ўзбекистонда ёз билан кузда бодринг, помидор ҳосили шу қадар мўллигидан улар чириб кетаёзди. Мева-сабзавотларни қардош халқларга етказиб, арзон баҳода сотиш учун вагон-рефежираторлар етишмайди. Урал тоғлари ва ўрмонларида қайинлар ва қарағайлар ошиб-тошиб, илдизларигача чириб ётибди. Бу ёғочларни қисман уй иситишга ёқишади, озроғини уй қуришга ишлатишади. Кўпчилиги эса сувда, зах ерларда чириб ётибди. Мана шу ажойиб қурилиш ёғочларини пахтага, мева, қовун-тарвузга алмашиш мумкин эмасми? Шундай қилганда Свердловск аҳолиси давлат дўконларидан помидорнинг килосини икки ярим сўмдан эмас, эллик тийиндан оларди. Ўзбек деҳқони эса уй қураётганида ёғочни беш баравар қимматга олиб, хонавайрон бўлмас эди. Дарвоқе, бозор иқтисодиётига ўтиш умумманфаатини кўзлайдиган фойдали муносабатларни тақозо этади.

Аммо яна ўша буйруқбоз тўралар қардош халқларнинг фойдали олди-бердиларини ёқтирмайди шекилли. Ўз уйим-ўлан тўшагим, деган худбинларча маталга кўра Рига ўз дўконларини, Москва, Ленинград ҳам ўз дўконларини меҳмонлар учун ёпиб қўймоқдалар. Бундай «тажриба» алмашувдан кўра саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари алмашуви яхши-ку?

Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан қариндош-уруғлар бир-бирларига энг зарур нарсаларни юбориш билан овора. Шу нарсаларни ҳамма ўз юртида олиши мумкин эмасми? Йўқ, маъмуриятчи тўралар иложи борича дефицитни-қаҳатчиликни авж олдиришдан манфаатдорлар. Улар ўз даври келишини кутмоқдалар.

АММО ШУНДАЙ дефицитлар пайтида ҳам бизнинг деҳқонларимиз фақат ўзларини ўйламайди. Кичик бир мисол. Яқинда Тошкент вилояти хўжаликларидан биридаги «экстремист» ўзбеклар Чернобил фалокатидан жабрланган болалар учун 40 тонна янги узилган мева-чева, сабзавотларни совғага юбормоқчи бўлишди. Деҳқонлар болалар ризқи деб, ҳар бир бош узумни, ҳар дона анорни ва помидорни авайлаб яшикларга жойладилар. Эрта тонгда мева, сабзавот ортилган машина аэропортга келди. Деҳқонлар ваъда қилинган самолётларни кун бўйи кутишди. Кечга яқин фақат бир тайёра келди. У атиги 10—12 тонна мева-чевани олиб кетди. Қолган мева, сабзавотлар карвони ортига қайтишга мажбур бўлди. Деҳқонлар болаларнинг ризқини қайтариб олиб кетишаётганидан хижолат эдилар. Бюрократик система шу ерда ҳам халқлар дўстлигига озми-кўпми зарар етказди.

Аммо энди тарихни орқага қайтариб бўлмайди. Энди маъмуриятчи тўраларнинг «миллатчи», «шовинист» деган қармоқларига кўпчилик илинмайди.

Чунки ўзбек халқи ҳам Иттифоқимиздаги барча қардош халқлар билан тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат билан ноз-неъматлар бунёд этишни хоҳлайди. Энди халқимиз ўз миллий қадриятларидан, ўз қадр-қимматидан воз кечишни хоҳламайди. Айрим шовинистларнинг зараркунанда ҳаракатлари ақлли, софдил янги раҳбарларнинг халқона ишлари соясида қолиб кетади. Чунки раҳбар халқни қанчалик ҳурматласа, унга яхшилик қилса, халқ ҳам бундай раҳбарларни ардоқлайди ва ҳимоя қилади. Халқ депутатлари ва ана шундай оқил раҳбарлар кўмагида Совет Армиясида хизмат қилаётган турли миллатга мансуб аскарлар ўртасида низоларга чек қўйилмоқда. Ўрта Осиёлик ёшларнинг шу минтақада хизматни ўташ муаммоси ҳал этилмоқда.

Халқимиз миллий низоларни эмас, тинч, бунёдкор меҳнатни хуш кўрганлигини бу йилги мўл пахта ҳосили асосан деҳқонлар (баъзи вилоятлардагина—талабалар) кучи билан вақтида йиғиб-териб олингани яққол исботлаб турибди. Турғунлик йилларида жумҳуриятда терим мавсумида худди уруш вақтидагидай халқни қурбонлар ва жазолар билан, ҳақоратлар билан ишлатар эдилар. Бу йил эса жумҳурият Президенти ва ҳукуматимиз маъмурий-буйруқбозликдан, расмиятчиликдан воз кечиб, меҳнатдан манфаатдорликнинг иқтисодий қонунларини ишга солдилар. Пойтахтдаги олий ўқув юртларининг талабалари ўқишларини бемалол давом эттирдилар. Бу эса саноат ва қишлоқ хўжалиги учун пишиқроқ кадрлар тайёрлашга имкон беради. Терим мавсумида илгари пойтахт корхоналарининг ишчи, хизматчилари ҳам давлат ишини орқага суриб, 1—2 ойлаб далада юрар эдилар. Бу эса саноат маҳсулотларининг унуми ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бу йил эса ана шу ишчи, хизматчилар ҳам меҳнат дастгоҳларидан узилмадилар. Энг муҳими, шаҳарликлар ёрдамисиз ҳосилни териб олишдан деҳқонлар манфаатдор бўлдилар. Шовқин-тўполонсиз ва иқтисодий манфаатдорлик асосида мўл ҳосил олингани халқимизнинг келгуси ҳаёти фаровонлашувидан далолат бериб турибди.

ДАРОМАД СОЛИҒИ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Ҳурматли редакция!

Меҳнат қилган одам шунга яраша ҳақ олсам, дейди. Табиийки, кўп ва соз меҳнат қилганнинг маоши ҳам кўп бўлиши керак. Бироқ даромад солиғи тўғрисидаги янги тартибларда меҳнати натижасига кўра кўп иш ҳақи оладиган одамлардан солиғини ҳам кўп ундириш кўзда тутилган. Бу қонунни ҳар қанча адолатли демайлик, барибир, у яхши ишлаб яхши топишга бўлган иштиёқни сўндиради. Чунки, яхши ишлаган кўп солиқ тўласа, унинг ёмон ишлаган одамдан фарқи қолмайди.

Ижарачи деҳқоннинг қанча маош олишини эса олдиндан белгилаб бўлмайди. Улар асосий даромадини йил охирида — етиштирган ҳосилнинг салмоғига қараб оладилар. Бошқача айтганда, йил давомида яхши меҳнат қилиб, харажатдан даромадни оширган, ҳосилдорликни кўпайтирган деҳқон анча-мунча даромадни қўлга киритиши ёки аксинча қарздор бўлиб чиқиши мумкин. Бироқ фидойи меҳнати эвазига қўлига дурустроқ пул тушадиган пахтакор унинг ярмига яқинини солиққа тўласа, номи улуғу супраси қуруқ бўлиб қолаверади. Шу адолатданми!

Йил давомида кам иш ҳақи олиб, кечаю-кундуз бола-чақаси билан даладан чиқмай чайлада ётиб олиб ишлаган одам, шунчалик заҳмати эвазига эришган ошдан бенасиб, бебаҳра қолса, тегадиган беш-тўрт сўмининг ярмини солиққа тўлаб чиқса — бу энди камбағални туяни устида ит қопгандай гап. Бундай деҳқоннинг бўйнидан судраб отиб юборса ҳам келаси йили қўли ишга бормайди. Ҳозир бу масала ижара усулида ишловчи деҳқонлар ва хўжаликларнинг ҳисобчилари ўртасида катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Деҳқоннинг йил бўйи қилинган меҳнати натижасидан ойлик маош сингари бир йўла даромад солиғи чегириб қолинишини инсофданми!

Ульянов туманидаги «Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги» давлат хўжалиги хизматчилари номидан:

Т. ЭШМУРОДОВ, Ҳ. ҲОТАМОВ, Б. ҚАЮМОВ ва бошқалар

Муштарийларимиз мактубида кўтарилган масалани СССР Нархлар давлат қўмитаси Нарх белгилаш илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиали директори, иқтисод фанлари доктори Фаворис Қодирович Қаюмов шарҳлайди.

— Газетхонлар мактубида кўтарилган масала муайян асосларга эга. Ҳақиқатан ҳам, даромад солиғини белгилаш юзасидан янги тартибларни кўр-кўрона қўллаш қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигига путур етказиши, уларни меҳнатдан совутиши турган гап. Тўғриси, солиқ миқдорини белгилашдаги мураккабликлар, кўп ҳолларда, янги тартибларни тушунмаслик, уни нотўғри талқин этиш туфайли келиб чиқмоқда. Албатта, бу муайян норозиликлар туғдириши табиий.

Хўш, даромад солиғи тартибларини қандай тушуниш керак? Деҳқон йил охирида бир йўла оладиган маошининг қанча миқдори даромад солиғи сифатида чегириб қолиниши мақсадга мувофиқ? Мисол учун деҳқончиликдаги ижара усулини олайлик. Бу усулнинг моҳияти шундаки, деҳқон ойма-ой қилган ишига қараб эмас, балки етиштирилган ҳосилни сотишдан келадиган ялпи даромад ҳисобидан маош олиши керак. Йил охиридаги ҳисоб-китоб пайтида умумий даромад қийматидан ижарачи ҳосилни етиштириш учун қилган барча харажатлар — техника, ўғит, иссиқ овқат, ижачилар ойма-ой олиб турган қарз пуллар — ҳаммаси чиқарилгач соф фойда аниқ бўлади. Ижарачи билан хўжалик ўртасида тузилган шартномага мувофиқ соф фойданинг муайян қисми, айтайлик, 39 фоизи хўжаликнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари, ободончилик ва маданий тадбирлари учун олиб қолинади. 61 фоизи эса ижарачининг қўлига нақд тегиши керак бўлган пул. Бу пулни ижара усулида ишловчи бригада бошлиғи аъзоларининг ҳосилни етиштиришдаги улушига қараб ўзаро тақсимлайди. Айтайлик, соф фойда 30 минг сўмни (энг пешқадам бригадаларда) ташкил этмоқда. Бригадада 4 та асосий ишчи бор, четдан ҳам ишчи кучлари ёлланган. 30 минг сўмнинг 10 минг сўми ёлланиб ишлаганларга ажратилган тақдирда ҳам 20 минг сўм қолади. Бригаданинг ҳар бир аъзосига ўртача 4 ёки 5 минг сўмдан тегади.

Дейлик, бригаданинг сувчиси йил охирида оладиган маош беш минг сўм. Хўш, унинг қанчаси даромад солиғи сифатида тутиб қолиниши керак? Янги тартибларга кўра даромад уч минг сўмдан ошгач, 1046 сўм ҳамда бунга қўшимча уч минг сўмдан ошган пулнинг ҳам 60 фоизи миқдорида даромад солиғи ундирилиши керак. Агар шу тартибда солиқ олинса, 5 минг сўмнинг 2246 сўми солиққа чиқиб кетар эди. Бироқ шундай йўл тутилган тақдирда солиқ шартларини қўллашга кўр-кўрона ёндашилган бўлур эди. Ҳолбуки, деҳқон йил охирида соф фойда ҳисобидан оладиган пул унинг бир ойлик маоши эмас, балки йиллик даромадидир. Ойма-ой олиб келган пуллар эса маош эмас, балки йил охирида ҳосилни сотишдан келадиган даромад ҳисобидан олинган қарзлардир. (Деҳқон мана шу қарзлар ҳисобидан ҳам даромад солиғи тўлаган). Шунинг учун ҳам йил охирида чиқадиган ялпи пул (5 минг) 12 ойга тенг бўлиниши керак. Шунда бир ойнинг ўртача иш ҳақи келиб чиқади. Бу 416 сўм 66 тийин бўлади. Ундан чегириб қолинадиган даромад солиғи 49 сўм 28 тийинни ташкил этади. У 12 ойга кўпайтирилганда эса 591 сўм 36 тийин бўлади. Яъни деҳқон оладиган 5 минг сўм пулининг 2246 сўмини эмас, балки 591 сўм 36 тийинини даромад солиғи учун бериши керак бўлади. Айтайлик, шу деҳқоннинг қарамоғида учтадан ортиқ оила аъзоси бор. У ҳолда даромад солиғининг 30 фоизини тўламаслик учун имтиёз берилади. Бу 177 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб 5 минг сўмдан олиб қолинадиган ҳақиқий даромад солиғининг миқдори 414 сўмни ташкил этади. 1991 йилдан бошлаб эса қарамоғида учта оила аъзоси бўлганларга ҳам шундай имтиёз бериш кўзда тутилмоқда.

Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг 150 йиллиги олдидан

«...РОСТРАВ ЭРСА ЧУН БАЁНИЙ»

Ижоди кам ўрганилган адиблардан бири XIX аср охири — XX аср бошларида Хоразмда яшаган Муҳаммад Юсуф Баёнийдир. У истеъдодли шоир, тарихчи ва таржимон эди. Баёний 1840 йили Хивада дунёга келди. Дастлабки таълимни уйда — махсус муаллимдан олди. Кейин Шерғозихон мадрасасида таҳсил кўрди. Ёшлигидан шеъриятга ихлос қўйди. Баёний хаттотлик санъатидан, тиббиёт илмидан хабардор бўлди. Талантли музикачи сифатида танилди. Араб, форс, тожик, кейинчалик, рус тилини яхши эгаллаб олди. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилди. Жабрдийда халқини озод ва бахтиёр кўриш иштиёқида ёнган ижодкор совет ҳокимиятини мамнуният билан кутиб олди. Кексайиб қолганлигига қарамасдан, Хоразмда совет тузуми барпо қилинган дастлабки кунлардан бошлабоқ маданият ва маориф идораларида турли вазифаларда ишлай бошлади. У 1923 йилнинг январь ойида, 83 ёшида Хивада вафот этди.

Ҳақиқат учун, адолат учун кураш, халқ бахти йўлида фидойилик, жабру ситам, ёмонликка нафрат шоир шеъриятининг ғоявий марказида туради. Баёний шеърияти орқали муҳаббатга садоқат, инсонлараро меҳр-шафқат, дўстлик, ватанпарварлик, ҳиммат, саховат, ҳаётсеварлик каби инсоний ғояларни илгари сурган. Паст кимсаларнинг кирдикорларини фош этган.

Баёний ғазалиётини кузатар эканмиз, ишқ мавзуи бошқа мавзуларга нисбатан кенг ёритилгани ва лирик қаҳрамонлар —ошиқ ва маъшуқа образлари анча тиниқ ишланганлигини кўрамиз.

Баёний, анъанавий аруз вазнида ижод қилиш билан бирга, бармоқ вазнида ҳам ўз иқтидорини синаб кўрди. Халқ инқилобини мадҳ этувчи, халқни инқилоб ҳимоясига чорловчи даъваткор шеърлар битди.

Баёний асарларининг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳозиргача бизга маълум учта қўлёзма нусхаси мавжуд. Бу қўлёзмалар ичида энг мукаммали 1120-инвентар рақами билан белгиланган девондир. Мазкур нусха алоҳида китоб шаклида бўлиб, 173 саҳифадан иборат. Мажмуада 178 ғазал, 45 мухаммас, битта мустазод, 10 мусаддас, 2 мусаббаъ, маснавий, рубоий, таржеъбанд, қитъа ва баҳри тавил бор. Қўлёзма ҳижрий 1327 (1909) йили кўчирилган. Ундан ташқари, инқилоб йиллари чоп этилган «Юғурумия» (1923) тўпламида, вақтли матбуот саҳифаларида, тарихий асарлари таркибида ҳам шоир ижодининг кўплаб намуналари учрайди.

Бизга Баёнийнинг Хоразм халқи, Ўрта Осиё тарихини ўрганишда жуда катта ва қимматли манба ҳисобланган «Шажарайи Хоразмшоҳий» ҳамда «Хоразм тарихи» асарлари етиб келган. Булардан ўша давр Хоразм юртининг ички ва ташқи сиёсати, ўзаро феодал урушлар, тахт талашишлар, уларнинг машъум оқибатлари, чор Россияси халқ бошига солган мусибатлар ҳақида чуқур маълумот олиш мумкин.

Баёнийнинг Мавлоно Дарвеш Аҳмаднинг «Саҳоиф улахбор», Биноийнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Табарийнинг «Тарихи Табарий» каби асарлари таржималари ҳам адабий меросимизнинг қадрли намуналаридан ҳисобланади.

И. АДИЗОВА

БАЁНИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Кайд[1] аҳли ҳамиша кин этарлар,
Пайваста мани ғамгин этарлар.
Ер оллида макр ўтин этиб тез,
Они манга ҳашмгин этарлар.
Чинни этибон ёнида ёлғон,
Ёлғонни ёнида чин этарлар.
Не эрса агар бирига мақсуд,
Бори они дилнишин этарлар,
Бир сўзда бўлуб бариси якдил,
Бир-бирларини амин этарлар.
Ул ойға бериб фириб доим,
Мақсад йўлида камин этарлар.
Ким рострав эрса чун Баёний,
Филҳол они ҳам ғабин этарлар[2].

[1] Кайд — макр, ҳийла, айёрлик; [2] Ғабни этарлар — алдарлар; панд берарлар.

●

Раҳм ила шафқатда дилдорим бурунғидек эмас,
Чун онинг оллида миқдорим бурунғидек эмас.
Дам-бадам жавру ситамларин манга айлаб фузун,
Жисми жонда ранжи озорим бурунғидек эмас.
Табънинг ожизлиқи фаҳмимға еткурмиш зарар,
Назмда ҳам насрда корим бурунғидек эмас.
Гўшаи узлатда ман маъзуллиқдин мустаманд,
Амтаъи[1] косид чу бозорим бурунғидек эмас.
Сўзларим марғуб эмас ул хўбларнинг шоҳина,
Назм аҳли ичра гуфторим бурунғидек эмас.
Ҳар нечаким биргина яхши ғазал айтай дебон
Фикр этарман, лек афкорим бурунғидек эмас.
Эй Баёний, табъима етмиш совуқдин тийралик,
Йўқса, не боисдин ашъорим бурунғидек эмас.

[1] Амтаъ — мато, материал, буюм.

●

Жунунимға ул ёри жондур сабаб,
Ҳалокимға доғи ҳамондур сабаб.
Гулистонда фарёд урар андалиб,
Онга ҳам гули гулистондур сабаб.
Нега қумри ку-ку қилур сарв уза,
Мунга шамсайи ховарондур сабаб.
Кўзим ёши тун-кун оқар тинмайин,
Бу ўтимға ул нуктадондур сабаб.
Куярман лаби лаълининг ёдидин,
Мунга фурқати бекарондур сабаб.
Баёний Ҳижоз азмин этмас магар,
Мунга Хивайи хулдсондур сабаб.

МАЪНАВИЙ ОТАМ

Самарқанд давлат дорилфунунини битирганимдан сўнг йўлланма билан Тожикистоннинг Регар районидаги ўрта мактаблардан бирида ишлай бошладим. Ҳеч кимга билдирмай ҳикоялар машқ қилардим, лекин газета-журналларга юборгани тортинардим. Бир куни юрак ютиб, ҳеч кимга ошкора бўлмаган сиримни — 3-4 ҳикоямни Абдулла Қаҳҳорга юбордим. Бир ойлардан сўнг жавоб келди:

«Санобархон!
Салом.
Ҳикояларингизни бугун олдим — Тошкентда эмас эдим.
Яқин орада мулоҳазаларимни ёзиб юбораман.
Ҳурмат билан
Абдулла ҚАҲҲОР
19 март — 66...»

Мен шундай забардаст ёзувчининг вақтини олиб, ҳали район газетасида бўлса ҳам чоп этилмаган ғўргина ҳикояларимни юборганимдан ўзимни ўзим койирдим, мулоҳазалар қай даражада аччиқ ва беаёв бўлишини кутиб кечалари ухлай олмасдим.

Мана, ниҳоят, мен кутган ўша хат келди... Дир-дир титраб қалин конвертни очдим.

Конвертда ҳикояларим билан бирга мактуб ҳам бор эди. Мактубни тўлиқ келтираман:

«Санобархон.
Салом!
Ҳикояларингиз ҳақида энг ҳаққоний фикрларни ўзингиз айтиб қўйибсиз, менга айттани гап қолгани йўқ. Ҳақиқатан, бу нарсалар ҳали жуда хом, пишиқ нарсалар ёзиш жуда кўп меҳнат, кунт ва яна алланима-балоларни талаб қилади. Сиз ёзувчи сифатидагина эмас, китобхон сифатида ҳам ҳали жуда ёш бўлсангиз керак, ўқиган бўлсангиз 1-2 юзта китоб ўқигандирсиз-да!
Ҳикояларингиз ҳақидаги фикр ва маслаҳатларимни ҳар қайсисининг орқасига ёзиб қўйдим.
Ҳурмат билан
Абдулла ҚАҲҲОР
11 — IV — 1966».

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларимни жуда синчиклаб ўқиган эди. Ҳатто таҳрирдаги тажрибасизлигимдан адиб руҳи олдида ҳали-ҳали уялиб юраман — ҳикояларнинг орфографик хатоларигача тузатилган эди. «Журналист» деган ҳикоямнинг охирида шундай фикр ёзилганди: **«Ҳикоя бошдан-оёқ уйдирма — ёлғон. Қайта-қайта диққат билан ўқинг, нима учун уйдирма эканини билиб оласиз. Шуни билсангиз, минбаъд бунақа хато қилмайсиз.**

Баъзан шунақа ҳам бўлади: киши бошидан кечирганларини ёзса ҳам китобхон ишонмайди.

6- саҳифадаги саволга диққат қилинг».

Ўқиб, таним ловиллаб кетди. Хайрият, адибнинг рўпарасида эмасдим. Билмадим, қай аҳволга тушардим.

Иккинчи ҳикояни қарадим. «Маъсума» ҳам синчиклаб ўқилиб, охирида қуйидагича мулоҳаза ёзилган эди:

ЁДНОМА

«Бу ҳикояни, назаримда, мана шу план билан қайта ёзиб чиқиш керак...» ва бутун ҳикояни қандай ёзиш режаси ҳамда сюжети берилган эди. Сўнг охирида: **«Яхшилаб ёзиб чиққанингиздан кейин кўчириб менга юборинг, бундан бир иш чиқармиз»**, — деб таъкидланганди.

Мен адабиёт муаллимаси сифатида ўқувчиларнинг жуда кўп иншоларини текширар эдим. Лекин иншоларнинг яроқсизлиги ёки хатолари ҳақидаги фикримни қисқа тақризда билдириб, баҳолаб қўя қолардим. Ҳайратдан ёқа ушладим: Абдулла Қаҳҳор менга гўё «ўқувчилар иншоси устида мана шундай ишлаш керак!» деб тургандек эди.

Ўшандан бошлаб иншолар устида бошқача, худди домла ўргатганидек ишлай бошладим.

Учинчи ҳикояга қарадим. Дунём ёришиб кетди. Севинчимдан кўзларимдан ёш тирқиради: **«Буни «Ўзбекистон маданияти» газетасига юбориб кўринг. Уларнинг жавобини менга ёзиб юборинг»**, — дейилган эди ҳикоя охирида. Эртасигаёқ юбордим. Лекин, афсуски, бу ҳикоя обзорга тушди.

Бу орада илҳомланиб кетиб «Совет Тожикистони» газетасига юборган ҳикояларимдан бири — «Оталар» босилиб чиқди. Газетани адибга юбордим. Тез орада хат келди:

«Санобархон!
Салом! Тошкентда эмас эдим. «Оталар» дуруст. Кўнглингиз келишиб турипти, бориб-бориб яхши ҳикоялар ёзишингизга шубҳа йўқ.
Редакцияга бориб «Тўй»ни суриштирдим. Ҳикояни «обзор» деган балоға қўйиб юборишган экан, олиб қайта кўрадиган бўлишди. Кушойиш бўлса ажаб эмас.
Китоб тўғрисида. Китобни ўқиган одамлардан суриштириб, билиб ўқиган маъқул, вақт бекорга ўтмасин. Ҳозир газеталарнинг сўзига ҳам унча ишониб бўлмайди. Сиз ҳам ўқиган китобларингизни ўртоқларингизга айтинг, нимаси яхши, нимаси ёмонлигини айтиб беринг. Сиз адабий асардан ҳеч нарса қидирманг, холис ўқинг.
Сизларга «Нурли чўққилар» нинг нимаси ёқди?
Салом билан
А. ҚАҲҲОР.
10 — IX — 66».

Тез орада кушойиш бўлди. «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1966 йил 17 сентябрь сонида «Ёшлар ижодидан» рубрикаси остида «Тўй» ҳикоям «Ном чиқарга» сарлавҳаси билан босилиб чиқди.

Мен почта қутисидан севимли газетамнинг шанба сонини олиб, йўл-йўлакай саҳифаларига кўз ташлар эканман, тўртинчи саҳифада ўз фамилиямни кўриб кўз олдим жимирлаб кетди. Кўзларимни каттароқ очиб қарадим. Ҳикоя охирига **«Санобар НИШОНОВА. Тожикистон ССР, Регар райони»** деб ёзиб қўйилган эди...

Дастлабки қадам менга далда берди. Матбуотда тез-тез қатнаша бошладим.

Бу орада устознинг 60 йиллик юбилейи нишонланди. Абдулла Қаҳҳор Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилди.

Биз ҳам мактабда ёзувчи юбилейини нишонладик. Юксак мукофотлар билан табриклаб адабиёт тўгараги аъзолари номидан телеграмма юбордик.

Адибдан хат олдим. Ҳатто кўп қатори юборган телеграммамиз ҳам эътиборсиз қолмаган эди:

«Санобархон!
Табрикномангизни олдим. Табрик ва яхши тилакларингиз учун раҳмат!
Бир кун келиб Сизни ҳам катта мукофот билан табриклашни чин кўнгилдан орзу қиламан.
Салом ва эҳтиром билан
А. ҚАҲҲОР
28 — XI — 66».

1967 йили «Ирфон» нашриёти Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилаётган ёшларнинг илк асарларини тўплаб «Чашмалар» адабий алманахини нашр этди. Шу алманахга менинг ҳам «Оталар» ҳикоям киритилган эди. Алманахни адибга юбордим. Тез орада жавоб хати келди.

«Санобархон!
Катта йўлда босган биринчи қадамингиз қутлуғ бўлсин!
«Пашша»ни, обзорнинг шунга бағишланган қисмини ўқидим. («Хира пашша» ҳикоям обзорга тушган эди. — С. Н.). Назаримда, автор ҳақ, лекин ҳақ сўзини яхшироқ қилиб айтолмапти.
Ёзувчи воқеани, одамларни тасвир қилишда ўзи аралашмаслиги, «холис» туриши керак. Сиз Гоголнинг «Иван Иванович билан Ив. Ник. ораларида бўлиб ўтган низолар»ини эсланг, повестнинг хусусан бошланишига диққат қилинг.
Қўлингиздаги ҳикояларингизга консультация уюштириш тўғрисида ўйлаб кўраман.
Салом билан
А. ҚАҲҲОР
25 — III — 67».

Лекин адиб билан учрашув менга насиб этмади. Машъум ўлим ҳақидаги хабар Тожикистондаги китобхонларни ҳам қаттиқ қайғуга солди.

Кейинчалик мен оилам билан Тошкентга кўчиб ўтдим. Ҳозир олий мактабда дарс бераман. «Кабутар» ҳикоялар тўплами ва «Мурғак қалб жароҳатлари» мўъжаз қиссам, журналларда баъзи ҳикояларим чиқди. Буларни чоп этишда адиб айтган маслаҳатларни ҳурматли ёзувчилар Ҳаким Назир, Худойберди Тўхтабоев, Саъдулла Сиёев, Носир Фозилов бердилар.

Касбим — педагоглик. Ёзувчиликка даъвом йўқ. Аммо дилимдагиларни ёзмай ҳам туролмайман.

Ҳозирги даврда халқ маорифидаги, болалар тарбиясидаги нуқсонлар «ёз» дейди. Жамиятимиздаги нуқсонларни аёвсиз фош этган буюк адиб Абдулла Қаҳҳорнинг хотираси олдида бош эгиб таъзим этаман. Абдулла Қаҳҳор айнан шу куннинг Одами эди.

Санобар НИШОНОВА,
педагогика фанлари номзоди

Абдулла Қаҳҳор ва шогирдлари Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров.

ТУРКИЙ ОБИДАЛАР

Тақриз

ЎЗБЕК АДАБИЙ тилининг тарихи қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан бошланади. Уларнинг энг кўҳналари эрамизнинг VI — VIII юз йилликларига мансубдир. Аждодларимизнинг ўша кезлардаги обидалари бизгача урхун-енисей, уйғур, моний, браҳма, суғд, юнон ёзувларида етиб келган. Кейинчалик турклар араб хатини қабул қилдилар. Араб хатидаги ёдгорликларнинг XI аср ва ундан кейинги даврларга мансублари маълум.

Тилимиз узоқ тарихий жараённи бошдан кечирди. Табиий, турли даврларда яратилган адабий ёдгорликлар тил хусусиятларига кўра ўзига хос жиҳатларга эга. Қадимги туркий тил (VI — X асрлар) битиглари эски туркий тил (XI — XIV асрлар) даври обидаларидан, булар эса, ўз навбатида, кейинроқ юзага келган эски ўзбек тили (XIV асрнинг охирларидан бошлаб) даври ёдгорликларидан фонетик, грамматик, лексик-семантик, стилистик хусусиятлари билан ажралиб туради. Мана шу узоқ юз йилликлар мобайнида яратилган ёзма обидаларнинг тил хусусиятларини ўрганиш тилимизнинг тараққиёт босқичларини кузатишга, унинг ўзига хос қонуниятларини белгилашга имкон беради. Бу борада туркийшуносликда юзага келган тадқиқотлар анчагина, лекин мазкур ёдгорликлар тилининг ўрганилмаган ёки ҳали чуқур, атрофлича тадқиқотни тақозо этадиган томонлари ҳам оз эмас. Хусусан, ёзма обидаларнинг фонетик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этиш, бу орқали ҳозирги тилимизда амал қилаётган муайян тил ҳодисаларининг илдизларини қидириш ва товуш системаси тараққиётини белгилаш каби кўп масалалар ҳали узил-кесил ҳал этилганича йўқ. Бунинг аҳамиятини бир сўз билан айтиб ҳам бўлмайди. Шу жиҳатдан тил тарихининг билимдони, тажрибали ва камтар олим Қозоқбой ака Маҳмудовнинг яқинда нашрдан чиққан «XIII — XIV аср туркий ёзма обидалар тилининг фонетик системаси» (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1990) китоби севинса арзигулик, мақтаб гапиргулик, фанда чин илмий қимматга эга иш бўлди.

Тадқиқот бирламчи ёзма манбалар асосида ўта кузатувчанлик билан яратилган. Бинобарин, муаллифнинг катта ютуғи ҳам асл манбалар асосида иш олиб борганлигидадир. Китобда хулосалар манба материаллари асосида чиқарилади. Фикрлар исботи учун улардан кўплаб мисоллар келтирилади.

Тадқиқот кириш қисми ва учта йирик бобдан иборат. Кириш қисмида тарихий фонетика ҳақида, ёзма обидалар, хусусан XIII — XIV аср ёдгорликларининг ўзбек тилига муносабати, улар тилимизнинг тараққиёт босқичини белгилашда муҳим манба бўла олиши ва шу каби масалалар ҳақида баҳс боради.

Китобнинг I бобида туркий ёзма ёдгорликлар фонетикасининг ўрганилиши қисқача баён этилади. Сўнгра уларнинг вокализми тўғрисида сўз юритилади.

Муаллифнинг ёзма манбаларга таянган ҳолда чиқарган хулосасига кўра, XIII — XIV аср обидалари тилида 10 унли мавжуд (ҳозирги ўзбек тилида ҳам унлилар миқдори шунчага етади, минг афсус, уларни тан ололганимиз йўқ). Тадқиқотда ҳар қайси унлининг таърифи муфассал. Диққатга лойиқ томони шундаки, муаллиф қадимда туркий халқлар қўллаган урхун-енисей, уйғур, араб ёзувларининг график хусусиятлари, ўша давр манбаларидаги фонетика ҳақидаги фикрлар, ҳозирги жонли тил материаллари асосида ёдгорликлар тилида одатдаги унлиларга вариант сифатида «бирламчи» чўзиқ унлилар амал қилган деган хулосага келади. Ҳар бир ҳарфнинг вазифаси, товуш ва ёзув муносабатларига тўхталади. Олим ёзма материалларга қўшимча ҳолда Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Толе Ҳиравий каби тилшуносларнинг маълумотларига, ҳозирги туркий тилларнинг материалларига таянади.

Тадқиқотнинг II боби обидалар тилининг консонантизмига бағишланган. Мазкур бўлимда ундошлар системасига батафсил таъриф-тавсиф берилади.

III бобда фонетик ҳодисалар, унли ва ундошлардаги сингармонизм, урғу, туркий бўғин тузилиши каби масалалар ёритилган. Ушбу бобда XIII — XIV аср обидалари тилида кузатилган фонетик ҳодисалар баён этилади, уларнинг қонуниятлари асосланади. Қадимги ҳамда эски туркий тил билан эски ўзбек тили ёдгорликларининг тили ўзаро қиёсланади, уларнинг фонетик ўзига хосликларини кўрсатувчи йирик-йирик жадваллар келтирилади. Унда унлилардаги ҳодисалар (чунончи, бир унли билан бошқасининг алмашинуви), ундошлардаги ҳодисаларга (товуш алмашинуви, тушиш ҳодисаси, ўтиш ва мослашув каби ҳодисаларга) кенг ўрин берилган. Ёдгорликлардаги мазкур хусусиятлар ҳали бу тарзда атрофлича ёритилган эмас эди.

Тадқиқотнинг эътиборни ўзига тортувчи томонларидан бири шундаки, унда ҳар қайси ҳодисанинг, бутун бир фонетик системанинг қадимги урхун-енисей, уйғур ёзувли ёдгорликлардан то бугунга қадар қандай ўзгаришга учраганлиги ёзма манбалар ва ҳозирги жонли туркий тиллар материаллари асосида кўрсатилади. Шу орқали XIII — XIV аср обидалари тилининг фонетик системаси ёритилади.

Тан олиш лозим, биз тилимиз ўтмиши, унинг ўзига хос қонуниятларини чуқур англаб ололганимиз йўқ. Сабаби: тадқиқотларимиз оз, омма ҳали бу соҳадан узоқ. Тилимизга хато ёндашувлар содир бўлди.

Аждодларимиз бундан ўн икки аср муқаддам кенг қўллаган (эҳтимол, у эрамиздан аввалроқ ихтиро қилингандир) туркий тилнинг бутун фонетик нозикликларини ўзида акс эттирган мукаммал урхун-енисей хатичалик пухта имло ярата олганимиз йўқ. Қолаверса, минг йилликлар давомида тилимизнинг қон-қонига сингиб кетган темир қонуни — сингармонизмни чеклаб қўйдик. Бунинг оқибатида тилимиз қардош туркий тиллардан, ҳатто ўз классик тилимиздан ва ўзбек тили шеваларидан ҳам анча узоқлашиб қолди. Мисол излаб узоққа бормайлик. «Ўтган (асли ўткан) кунлар»нинг 1926 йилдаги нашри билан ҳозирги нашрини солиштирилса, ҳайратга тушади киши. Қодирий тилини шунчалик замонавийлаштиришнинг боиси нима? Биз морфологик принципни бош ўринга кўтариб, фонетик принципни орқага суриб қўйдик. Кўпчилик шевалардаги сингармонизмга асосланган жонли қўшимчаларни истеъмолдан чиқариб юбордик. Оқибатда муайян қўшимчанинг тасбеҳ доналари сингари тизилган фонетик кўринишлари сунъий равишда умумлашиб бир шаклга келиб қолди.

Ўтмиш тилини ўрганганда сунъийлик яратиш — кўрлик демак.

Тилимизнинг ўтмиши узоқ. Биз ҳозирги тилимизни тараққий эттирмоқ учун унинг ўтмишига бир назар ташлаб олайлик — андозасини халқимиз бичиб кетган. Китобни синчиклаб ўқинг — қонуниятлари ўша ерда ёзиб қўйилган.

Шуларга кўра ҳам Қозоқбой Маҳмудовнинг ушбу тадқиқоти илмимиз учун жуда муҳим. Фақат гап китобни оммалаштира олишимизда.

Ўзбек тилигина эмас, тилшунослик илмимизнинг ҳам тарихи узоқ. Унинг тамал тошини бундан тўққиз аср муқаддам буюк тилшуносимиз Маҳмуд Кошғарий қўйиб кетган.

ЎЗБЕКИСТОН Ёзувчилар уюшмаси яқинда жуда хайрли ишга қўл урди: ўтмиш меросимизни ва туркий тилни ўрганиш бўйича Маҳмуд Кошғарий мукофоти таъсис этилди. Ушбу мукофот меросимизнинг билимдонлари, пешқадам олиму фозилларимизнинг энг яхши асарларига берилмоғи керак. Бизнингча, Қ. Маҳмудовнинг «XIII — XIV аср туркий ёзма обидалар тилининг фонетик системаси» китоби шу мукофотга арзирли тадқиқотдир. Муҳтарам илмий жамоатчилигимиз шу таклифни қўллаб-қувватлар деган умиддамиз.

Ғани АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси,
Қосимжон СОДИҚОВ,
филология фанлари номзоди

МЕРОСГА МЕҲР

АСАД ДИЛМУРОД ўтмиш мавзуида бир неча қисса ва ҳикоялар эълон қилган ёзувчиларимиздан. Унинг асарларида тарихимизга чуқур ҳурмат, ота-боболаримиз қолдирган улуғ меросга ҳадсиз меҳр ёрқин билиниб туради. Қалбига ўрнашган ана шу меҳр уни жаҳонни ҳайратга солиб келаётган Самарқанд обидаларини бино этганлар тўғрисида ёзишга ундайди, аждодларимизнинг маърифатли, солиҳ муҳандислари, орифу доно олимлари, бастакорларини хаёлан кузатишга муяссар этади. Уларнинг қувончи, дарди, ҳасратларини ҳис этишга имкон яратади. Ёзувчи янги «Гириҳ» тўпламидаги ҳикоя, қиссаларида ҳам ана шундай муборак мавзуни қаламга олади. Тўпламдаги дастлабки асар — «Мулк»да асримизнинг 30-йиллардаги қатағонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф бизни разолат, қабоҳат авж олган пайтларда имон-эътиқодли кишилар қанчалар қийналганлиги, азоб чекканлиги билан таништиради. Уста Жамшиддин сингарилар ўша чоғларда «Майли, ул алифбони ҳам таомилга киритайлик, ул ер юзи сарҳадларига йўл очишдек кафолатни берар экан, таваккал ундан юз бурмайлик. Фақат ўтинчимиз шулки, эскиси жойида қолсин, унга тегишмасин, даҳл қилишмасин... Арабий истеъмолдан чиқариб ташланса, эл буниси билан шуғуллана бошласа ва ақл-зеҳнини шу билан пешлай бошласа, ўлка тупроғида сочилиб ётган қадимги китобат ҳоли не кечади?!» дея фарёд қилганини хотирамизда жонлантиради. «Ўлка тупроғида сочилиб ётган қадимги китобот ҳоли не кечади?» дея минг йиллик мерос учун куйинганлар авлодларининг қисматини, уларнинг афсус-надомат тўла ғариб ҳолини олдиндан кўра билганлигидан воқиф этади. Элимизнинг ўшандай кўрар кўзларидан айирган ёвуз қаттолларга 30-йилларнинг ялавочлари — Фаттоҳ Обидий, Шариф Урфонлар қандай кўмаклашганидан хабардор қилади. «Одамларга эмас, замонага қайишмоқ керак», деган имонсизлар «Энди замона зайли ўзгарди, урфу одатимиздан ташқари аъмоли бадимиз, тирикчилигимиз, юрадиган кўчамиз, ҳануз тетапояликдан чиқолмаган маърифатимиз улуғ ниятлилар тақдири билан чирмашди. Бахтимиз чопди...», дея соддадил одамларимизни алдаганини таъкидлаб ўтади. Бу кимсаларнинг «Илгаригиникидан тонинг... Сиз омий бандасиз, тамом-вассалом!.. Уйингизда бир донаям рисола қолдирмай гумдон қилинг», деган таҳдидлари бизни қанчалик ғариблаштирганини ҳақида ўйлатади. Адиб «Мулк» орқали элни эргаштиришга, ўзлигини танитишга қодир одамларнинг қандай азоб-уқубатга гирифтор этилганини кўз ўнгимизда гавдалантиради, уста Жамшиддин сингари дилларини маърифат нурлантирган фозилларнинг куйган кўнгилларидаги изтиробларни кўрсатишга уринади, халқимиз қай тарзда маънавий мажруҳ этилиб, ўзлигидан, эркидан айрилгани хусусида хаёлга толдиради. «Шашмақом» кишилар руҳи ва вужудини майиб қилади», деган 30-йиллар ялавочлари худди Навоий, Фузулий билан суҳбатлашиб келгандек, «улар савод чиқаришда беҳад қийналишган экан», деб арабий ёзувни тақиқлашганлари ҳақида сўз юритади.

«Мулк»да бевосита ўтмиш ҳақида ҳикоя қилинган бўлса, «Гириҳ»да шу хусусида бавосита сўз юритилади. Чунки 30-йилларнинг қора кунларини ўз бошидан кечирган, отаси уста Жамшиддиннинг ўша чоғларда муборак китоблар, муқаддас обидалар учун чеккан алам-изтиробларига ҳамдард бўлган Шамсиддин «Китоб устида мотам тутганим, асли бу кечмишда юрагимни, соддадил улус юрагини ўпириб кетган кунларга аза очганим», дейди. «Мулк»нинг мантиқий давоми бўлган бу қиссада кундан-кунга ҳимояга муҳтож бўлиб бораётган обидаларга муносабат тўғрисида, Шамсиддин ва унинг ўғли Ғайбиддин сингари ота-боболаримиз қолдирган меросга меҳр қўйган, уни асраб-авайлаш учун жон куйдираётганларнинг ташвишлари ҳамда ҳозирги Фаттоҳ Обидийларнинг қилғиликлари қаламга олинади.

Уста Шамсиддинни вақтнинг шафқатсиз шамоллари ҳуружида қолган обидалар тақдири изтиробга солади. У обидаларга салобат, ҳусн, кўрк бериб турган нақшларга бепарво муносабатда бўлишаётганидан қийналади. У улуғвор, обидаларга узукка қўйилган кўздай ярашиб турган ноёб санъат дурдонаси, нақшлар туркуми — Гириҳни асраб қолиш учун жон куйдиради, турли-туман идораларга мурожаат қилади, у ердаги мутасадди мансабпарастлар билан тўқнашади. Шу нақшларни деб ҳатто болалик дўсти Иброҳим билан ҳам қаттиқ хафалашади. Бир сўз билан айтганда, муаллиф «Мулк»да бўлгани сингари бу қиссасида ҳам имон-эътиқодига гард юқтирмаган, ўз касбининг жафокаши бўлган кишиларни шарафлашга, уларнинг қалбидаги зиддиятларни кўрсатишга, ҳаётга қарашларини гавдалантиришга интилади.

АЛБАТТА САВОБ мавзуга қўл уриб, асарлар битиш яхши. Бироқ ёзувчининг муҳим муаммоларга бағишланган «Мулк», «Гириҳ» асарларидаги жумлаларни ўқиш, мутолаа қилиш кишини бир қадар толиқтиради. Жумлалар узун, бунинг устига китобийлик қусури ҳам тез-тез кўзга ташланиб туради. Муаллифнинг қаҳрамон кечинмаларини, унинг хаёлида кечган манзараларни, ҳолатларни, жой кўринишларини таъриф-тавсиф этган ўринларни тушуниш, гап нима ҳақдалигини англаш китобхон учун мушкуллашган ўринлар ҳам анчагина. Мана, шундай ўринлардан бир мисол: «Дафъатан юракда ғашлик аралаш умид туғдирадиган **олачипор манзара** қози Раҳмон **мулки чароғи ичра** ўзини эмин-эркин тутадиган Шамсиддин тасаввурида бот-бот айланади. Йигитча бундан **аллатовур** таъсирланади, ҳатто ўзини йўқотиб ҳам қўяди, кейин хаёли алғов-далғов бўлиб кетади-да, ўзини шўра-янтоқ босган беадоғ даштда кўради, нафаси тиқилганча иланг-биланг сўқмоқ бўйлаб, **талғир** туя изидан ҳаллослаб бораётгандек туюлади». Беш-олти ўринда талғир туя ҳақида сўз кетади. Лекин унинг талғирми ёки тарғилми эканлигини — қандай тус-туркдалигини билиб бўлмайди. Муаллифнинг «Лекин падар меҳри-соғинчини, падарнинг дилларни қийноғу мушкулотдан қутқарувчи кароматини оҳангга солувчи чолғу — Қонуни муборак ҳануз энг тўрдаги токчада маъюс турар садафу симлари шам ёруғида сокин йилтирар, гўё саховатпеша соҳибини ўзи томон имлар эди» сингари китобийлик қусуридан холи бўлмаган изоҳ-шарҳлари қаҳрамон хаёлида, тасаввурида юз берди, дея тақдим қилинган тавсифларнинг ясама, нотабиийлиги ўқувчини зериктиради. Бунинг устига қиссада **чўли бедиён, ҳали-ҳула, аъмоли-бади, тумушиб, тинмасак, амали бедодлик, нили қаттол, кишани завол, қаддиқиёфаси, машраба, илоради, мубарро, мусаллам, барот тилади, сеҳрваш безаклар, сапчилаб, умтилиб, ғул** сингари кам қўлланадиган сўз, ибораларга ҳам бот-бот дуч келинади. Қуйидагича таърифу тавсифларни ўқиб, таажжубланишдан ўзга чора қолмайди: «Чўзинчоқ бетида **бир соя ўйноқлаган** меҳмон бирдан шунақа **қарсиллатиб** акса урдики, ҳайбатли иморат том-поми билан кўчиб тушгудек бир маромда зириллаб кетди». Ёки бўлмаса: «Бу гўшада эса на чироқ, на учқун йилт этади, **залвар** деворлару иморатларни **намхуш зулмат** билан баравар зилдек сукунат **қамраган,** юлдузларни ҳам комига тортмоқчи бўлаётган **аллатовур сукунатни** яп-яланғоч елкаларга бир маромда урилаётган томчилар товушигина бузарди». Бунга ўхшаш гап-сўзлар қалашмасини ўқиш, ҳарқалай китобхондан анча-мунча чидам, тоқат талаб қилса керак. «Намхуш зулмат»нинг қандай бўлишини тасаввурга келтиришнинг ўзи бўлмайди.

Асар тилидаги бу ҳоллар муаллифнинг ўзини ҳам кўп ўринларда янглиштириб юборган. Чийратма жумлалардан чалғиб кетганлиги туфайли ёзувчи баъзи саҳифаларда Шамсиддинни отаси, Жамшиддинни унинг боласи деб ёзади. Аслида эса аксинча. Тўпламнинг 93-, 121-, 126-, 132-бетларида шундай чалкашликка йўл қўйилган.

Тўпламдан жой олган «Маҳмуд Торобий» ҳикояси ҳам китобийлик қусуридан бенасиб қолмаган. Умуман, истеъдодли ёзувчи Асад Дилмуроднинг янги тўпламида қаламга олинган мавзуларни маъқуллаган ҳолда, ҳикоя ва қиссалар тили, услубидаги нуқсонлар ёзувчидан бадиий маҳорат бобида жиддий изланиши зарурлигини кўрсатиб турибди.

Абдулла УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди

Омон МАТЖОН.

●

Бухорода баъзи ёш болалар Баҳоваддин Нақшбандий дахмасининг рангин тошларини ушатиб, хорижий сайёҳларга сақичга алиштираётганликларини эшитдим.

Эй сен, Бухоронинг азиз нақшларин
Увнатиб, сақичга алишган бола,
Наҳотки сезмадинг,
шаҳар ҳолидан
Ҳатто шу сайёҳнинг кўзида жола?!

Наҳотки, сен учун Улуғбек қурган
Илм дарвозасин бузасан ўзинг?!
Толеинг рангларин кўра олмасанг,
Мусулмон бўлсанг-да, кўр
бўлсин кўзинг!

Сендан каттароқлар улуғ Темурнинг
Яшил ёдгорига чўкич солган дам,
Кўрдик-ку, оламга ўтлар туташди,
Тарихи бузилса, бузилар юрт ҳам.

Темурларнинг, майли, ҳатто хатоси
Ўзини ҳимоя қилишга қодир.
Бил, бугун юртингга ҳар бир ғишт —
илинж,
Ҳар донишманд одам — ёдгордек
нодир.

Ўзи қурмаса ҳам қурганлар қадрин
Асил одам англар улғайган сайин,
Ахиран бу бахшиталаб болалар
Зарар юмушларин ташларлар тайин.

Аслида, Саодат уйи — бу юртни
Биз катталар қўйдик балога чатиб:
Қачондир кимгадир ёқмоқлик учун
Тилни, дин-имонни синдириб, сотиб.

Тарих варақласанг, сабоқларидан
Гоҳ алам, гоҳ овунч оласан, Омон,
Чора бор, юртини ким бирдан сотса,
Бир-битталаб,
зимдан сотганлар ёмон...

●

Аҳмад Яссавий мақбараси пойида ерга юмаланаётган зиёратчи аёлларни кўриб...

Юмалан, опажон, юмалан, синглим,
Улуғ Яссавийнинг ҳоки пойида,
Кўрса эътиқоднинг боз тирилганин,
Руҳи юксалгайдир ётган жойида.

Юмалан, опажон, юмалан, синглим,
Зора дуоларинг топса ижобат.
Зора барҳам топса, юртимизга ҳам
Чор тарафдан хуруж этувчи офат.

Юмалан, опажон, юмалан, синглим,
Улуғларни ёдлаб чўкингиз тизлар.
Балки Темур бунда бош экканидан
Улуғбек бошида балққан юлдузлар.

Агар тақир ерга чин ихлос қўйсанг,
Кўнгилга шундан-да олийроқ тахт йўқ,
Нурлар, шарпаларнинг бу қуёнида
Ўзингни танишдан ортиқроқ бахт йўқ.

Юмалан, қайси бир гўшада агар
Кўнглинг андаккина топса бас таскин,
Ҳеч ким тингламаган, англамаган
қалбинг
Иймон кўзгусида топса бас аксин.

Юмалан, опажон, юмалан, синглим,
Етмиш йил кимларнинг ўпмадик пойин!
На ўзинг ёлчидинг, на отанг, бобонг,
На ўтмишинг аниқ, на эртанг тайин.

Аёллар шу тахлит тавоб этсалар,
Бу, демак, энг сўнгги, зарур қоида.
Балки Она-ер ҳам кўксин чангаллаб.
Шундоқ юмаланар Қуёш пойида.

●

Яратганга шукур, сен яна келдинг,
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.
Мен сенга узундан узун от қўйдим:
«Эй, эски дардларни янгилатувчи!»

Бармоқлар бармоқлар учини сезди,
Кўнгил бир илоҳнинг кучини сезди,
Юрак алланенинг ўчини сезди,
«Эй, узоқ йўлларни яқинлатувчи!»

Яна икки кўздан сирқилди намлар,
Биллурни ювдилар покиза ғамлар.
Қани ул Сир, Аму мавж урган дамлар,
Эй сен, денгиз тубин долғалатувчи?!

Асли, қайда бўлма, мен кўнгли тўқман,
Кунчиқарим ишқдир — нур
ўчса йўқман.
Биламан, кимгадир жуда суюкман,
Эй сен, хотирани поклантирувчи!

Ким айтди, йўл анча ўтилди дея,
Келган кетди, кутган кутилди дея,
Шодман — яна менга дуч бўлди дея,
Ишқи омонларни яшартирувчи!

Яратганга шукур, сен яна келдинг,
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.
Сенга мен узундан узун от қўйдим:
«Эй, кўҳна дардларни янгилатувчи!»

ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ҚОЗОН ХУСУСИДА

Туркистонда Яссавий ёди учун Темур буйруғи билан қуйдирилган қозон 1925 йилда кўргазма баҳонасида Ленинградга олиб кетилади... Шундоқ «қатағон» қилинган қозон бу йил «оқланиб» яна Туркистонга қайтди.

Туркистонга Яссавийнинг қозони
қайтди!
Россияга — кўргазмага чоғланган
қозон.
Алдов ила қўл-оёғи боғланган қозон.
Олтмиш беш йил баҳри ўтсиз
доғланган қозон.

Туркистонга Яссавийнинг қозони
қайтди.
Олти аср тегидан ўт ўчмаган эди.
Ҳаром-хариш йўли бунда
тушмаган эди.
Олов руҳи бошқа жойга кўчмаган эди.

Туркистонга Яссавийнинг қозони
қайтди.
Жаҳон, асли, бу —алдовлар
кўргазмасидир!
Хўжайинлар ва соқовлар
кўргазмасидир!
Исёнкорга дорлар, ғовлар
кўргазмасидир.

Туркистонга Яссавийнинг қозони
қайтди.
Қайтармикан тарихимиз, қутлуғ
изимиз?!
Қайтармикан ўз жойига гирён кўзимиз
Ва... шунча йил таланилган
ризқу рўзимиз?!

●

Тушимда қанотли отлар кўринди,
Толеимда сирли хатлар кўринди.

Кўнглим истагича жой тутмоқ бўлдим,
Диёрим тахтида ётлар кўринди.

Эл-юрт кавак-катак, қўшин — пиёда,
Қаёққа мен юрмай, мотлар кўринди.

Бош урдим Хивага, Кўҳна Урганчга,
Олдиндан қум босган Котлар кўринди.

Савоб деб изладим улуғлар изин,
Йўллари тўрт чигал зотлар кўринди.

Озод эллашмагу тиллашмак қайда,
Ҳамон нун остида содлар кўринди.

Умидли дунё бу, Омон, ғам чекма,
Ҳар сўзингни кимдир ёдлар кўринди.

●

Ой чиқди-ю, лекин қамар йўқ,
Ер кўринди, аммо самар йўқ.

Бугун кўплар тангридан сўзлар,
Лекин асил бир пайғамбар йўқ.

Миллат учун азиз жой қани,
Пойтахт бор, лекин шаҳар йўқ.

Булғанган чоғ Боғи Эрам ҳам
Ким айтади: «Сутда заҳар йўқ!?»

Ўз касбидан ким хордир, кўринг,
Унда илоҳийдан асар йўқ.

Бизга зулм қилғонлар қани,
«Агар» бор-у, лекин «магар» йўқ.

Сувратга туш ёруғ дунёда,
Омон, ушбу бордир, дигар йўқ.

РАҚАМЛАНГАН ТУЯЛАР

Бир сабаб билан ёзилган ҳазил

Ҳайвонот боғида нор туяларнинг
Сонига ўймишлар, қаранг, рақамлар!
Санашгами десанг, бор-йўғи бир жуфт,
Қочиб ҳам қаерга борар: Бу — шаҳар.

Ҳайвонот боғида туялардаги
Рақамлар босилди менинг кўзимга:
Кимдир ўроқми ё болға қиздириб,
Гўё жуда қаттиқ тушган изимга...

Туялар!
Шарқ билан Ғарбнинг тарихин,
Ўз товонин тилиб ҳамки, улаган.
У ёнга сийму зар, нодир жилдларни,
Буён қурол-яроқ ташиб, тулаган...

Мен ҳам шу оз умрим шажарасида
Не азоб йўлларнинг кўрмадим доғин!
Наҳот шунча тилла, пахта ташитиб,
Сўнг раво кўрсалар ҳайвонот боғин?!

Ҳали ҳозирданоқ гоҳ унда-мунда
«Қўйсан!» —деб, ҳақорат этсалар
кимни
Ўйлайман, қўзиси қўчқор бўлажак,
Лек чўчқа ҳолига тушмас халқимни.

Агар оқил одам ўз замонида
Кўрмаса, кутмаса бир ўзгаришни,
Ўтган йўлларига, келажагига
Бошқатдан солмоғи лозим қарични!

Ҳа, биз бугун киммиз? Эртага-чи, хўш?!
Мен шуни ўйлайман кундуз ва кеча:
Келажакнинг ҳайвонот боғларида,
Ҳай-айт, Омон Матжон, номеринг
нечча?!

ДУШАНБАДА ТАНКЛАР

Душанбада танклар!
Қора гулдирос
Помирнинг зирҳига пуркди учқунлар.
Қани ўн йилликлар куйланган иқбол,
Қани кундузларга менгзалган тунлар?!

Душанбада танклар!
Гулирухсорнинг
Оқ этигин эзмадими кирза пошналар?!
Тошкентда барқ каби ёдга тушди тез
Душанбадаги олис-яқин ошналар...

Душанбада танклар!
Жўрабекнинг тори
Деворда титради ёт гулдирашдан!
Ва бирдан англадик:
ўзбек ва тожик
Ҳеч вақт чарчамайди бир
куй куйлашдан!

Душанбада танклар!
Ўн йил Афғонда
Қон кечган аждарлар Душанбададир.
Ва яна англадик — юракларимиз
Кимга очиқ, кимга — банд,
тамбададир!

Бойқуш каби қўрқиб ошкораликдан,
Танкларга бекинди Турғунлик Тўра!
Яна кўчаларда тинди ҳаракат,
Яна қондек сирқди лаблардан сура...

Бугун хавф келган чоғ, кўзларингни оч,
Эй, дунёга очиқ тожик юраги:
Йўқса Маҳшаргача очилмай кетар
Ташна Рўдакийнинг кўзлари каби...

Душанбада танклар...
Бу дам Самарқандда
«Устозим! Қолманг, деб, офат
қаҳрига!»,
Алишер Жомийни меҳрли қучди,
Янада яқинроқ тортди бағрига...

●

Йўқ дерлар, иши бор бор билан
йўқнинг,
Бўшлиқдан ўтар-ку йўли ҳар ўқнинг.
Кучлилар кучсизга қўл узатсалар,
Қадри ортар эди ҳар ёнган чўғнинг.

●

Бу йўлда биз неча қўрғондан ўтдик,
Адирлар, қумлардан, даргондан ўтдик.
Шошмай, лекин қайтмай,
ҳақ деб ҳар доим,
Биздан анча олдда борғондан ўтдик.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

Қадимда бўлган экан...

I

ҲИКОЯ

ЎСАР КЎПРИКЧАДАН шипиллаб ўтиб айвон четидан чойдишни олди, ариқ лабига чўнқайиб, идишдан қоп-қора чармдек бўлиб кетган кафтига-ҳовучига сув қуяётганди, ариқнинг у томонида — супада урчуқ игириб ўтирган рангпар хотини:

— Момонгизга салом бермадингиз? — деди.

Ўсар унга ялт этиб қаради.

— Момом энангди... — деб сўкиб юборди. Ва шоша-пиша қўлини юва бошлади — Илойи шу кампирнинг ёшига етма... Ўзинг ҳам-ку бўлганингча бўлгансан... — Кейин улфати Нурқул нашавандан эшитган гапини унга уқтирди: — Ҳой, бировга ўлим тилагандан кўра, ўзига умр тилаши керак киши!

Ҳожар урчуқниям, калаваниям кўрпачага ташлаб, муштларини тиззаларига тиради; эрига ўхшатиб бир нималар дейишга шайланди-ю, беҳол тортиб тескари қаради.

— Э, худо, нима гунойим бор эди? Мунча мени эзади бу эркак... Тентак! Суюлиб кетган миясин... Ҳувв, шўрим қурсин. Теракка чиқиб имлаганларига учиппан... Севади, суяди, деб ўйлаппан. Бу жаллод экан!

— Ҳе, энағар, — деб илжайиб турди Ўсар. — Жаллод экан... Ким шу гапга ишонади? Жаллод амир замонида бўлган, саводсиз!

— Сиз саводли бўлдингизми? — Хотин унга ўнгланди. — Сиз-а? Алифни калтак дейсиз-у! Қизингиз хатонгизни топиб ўтиради-ю! Газета ўқиёлмайсиз-у!

— Бўлди. Газетангни осиб қўйдим! — Айвон олдини тўсиб турган шолча томонга жиларкан, Ҳожарга яна уқтирди: — Газетанг — бир пул ҳозир! Ҳеч ким ўқимайди... Фақат Нурқул бобо най қилиб, наша чекади! — У кулиб, алланеча қувониб, устунга етди. Шолчанинг четини қайтариб, иккарига қаради.

Момоси Мақсад бева дераза (кўзлик) тагида шишиб кетган ўнг оёғини уқалаб ўтирар, оппоқ сочлари қўқиб кетган — ажинадан фарқи йўқ эди.

— Моможон, — деди Ўсар айвон лабига аста ўтириб. — Саломалайкум... Азонда чиқиб кетиб эдим. Ухлаётган экансиз. Ҳозир келдим. Мошина олдим, момо. Эски-ю, эпласа бўлади. Завгар уч юз сўмимни олди, энасини...

Кампир нурсиз кўзларини ғилтиллатиб ва хиёл илжайиб, қизиқ бир нарсани томоша қилаётгандек қараб турарди.

— Э, Асалжон? — деди бирдан. Ва бирдан юзи тиришиб, кўзига ёш келди. — Танимаппан... Хаёлим жойида эмас. Ана ерда бир хотин минғирлагани минғирлаган. Ким у ўзи?

Ўсарнинг ҳам кўзига ёш келди.

— Моможон, у — келинингиз-ку? — деди. — Сизди онасидай кўради...

— Увв, мен ўлай, — деди кампир ва қиқирлаб кула бошлади. Кўрпача четида ётган кир қийиқни олиб бошига илди, сочларини бостирган бўлди. Оёғига кўзи тушиб: — Бод. — деб шивирлади. — Бод бу... Мени опкетади...

«Опкетса, тезроқ опкетсин-е!» — деган ўй кечди Ўсарнинг кўнглидан. Аммо тағин шу ўй дилидан ўтгани учун ўз-ўзидан азобланиб кетди.

— Йўқ, моможон, — деди. — Улимни ўйламаслик керак. Киши ўзига умр тилаши керак.

— Ҳў, умрди сизларга берсин, — деди момо. — Бизди ишимиз пишган... Тушимга бобонг киради. «Ҳалиям журибсанма?» дейди. — Момо кулибгина қўйди. — «Ҳа, журиппан, — дейман.— Омонатини олмаса, нима қилай?» — Сўнгра у Ўсарга ўйчан тикилиб қолди. — Кенжабой қаерда?

Нос отиб олган Ўсар:

— Сахарда, — деди. Ва бир зум бошини буриб, ҳумрайиб қолди. Кейин хўрсиниб юборди.— Униям иси кўп-да, момо. Жўжалари бор. Этажда туради...

Кампир гап маъносини яхши уқмаган бўлса-да, бош ирғади.

— Омон бўлсин, қаерда бўлсаям... Меники эмас, давлаттики. Ҳа, ўзгинанг яхши журибсаммі? Болаларинг... — Кампир яна ўйланиб қолди. — Болам, мен хаёлати бўп қолдим... Келиним-гаям кўп азоб бераман. Кеча кечаси дарвозадан чиқиб кетиппан. Бечора кўтариб олиб келди. «Уйга қама мени! Мен ўлай!» — дедим. Кейин у йиғлади, мен йиғладим. Қарилик шу экан... — Шунда бирдан илиққина жилмайиб, неварасига (Ўсарга) боқди. — Бирон, бирон жойга оборий адаштириб келмайсанми?

— Нима-а? — деди Ўсар ва носини йўлкага туфлаб ташлади. — Эсингиз жойидами?

— Энди, — кампир илжайганча давом этди:— Бўлган экан-да қадимда...

— Қадимни қўйинг! Бир нарса едингизми?

— Жедим. Экки бўлак қанд билан нон берди келиним. Илойи барака топсин... Ҳой, — деди сўнгра мўлтираб. — Уруш-пуруш бўладими, болам?

— Нимага? Уруш йўқ эди, — деди Ўсар ўрнидан турмоқчи бўлиб. — Давлатлар яраши!

— А, нимага қаҳатчилик бўлармиш?

— Нимага... — Ўсар шолча четини тутганча кўзғалди. — Нимага... Э, ким билади-е, энасини..:

Кампир кулди.

— Сўк, сўк. Тус бобонгга ўхшайсан... Умринг ўхшамасин илойи. Вой, мен сонимди очиб ўтириппан-ку, ўлай мен... Бод бу... Бобонг ўлгандан кейин қор кечиб, чўпчак йиғиб, тандирди қизитаман деб... Ҳувв...

Ўсар шолча четини ташлавориб, керишди.

— Қани, ниманг бор? — дея кўприкчадан ўтиб, ярим газ баланд супага сакраб чиқди.

Ҳожар урчуғи билан эшилмаган калавасини четга қўйиб, ниқраб ўрнидан турди.

— Нима деди момонгиз? Яна ким ёмон — мен ёмон... Кечаси уйқу йўқ, кундузи — тиним. Уф, шу қизингиз ҳам одам бўлсин, жойини топиб кетсин, мен ҳам кетаман...

— Ҳа, кетасан... Улигинг чиқади бу ватандан,— деди Ўсар. Ва кўрпачага чордана қуриб ўтирди. Кейин, бугун бир неча марта томири тортган оёқларини ёнига узатиб юборий, лўла болишни қўлтиғига олди. — Худога шукур, ўзига шукур,— деди мамнун тортиб. — Кампир! Буёғига яхши бўп кетади!..

Мақсад момо эридан қолган уйчада яшар, уйча пешайвони ҳалиги шолча билан тўсилган эди: кампир ҳадеганда чиқиб кетавермасин ҳамда... биров-ярим келганда унга кўзи тушмасин учун: момо шишган, юзида оқиш доғлар пайдо бўлган, бунинг устига чиндан ҳам хаёли кирди-чиқди эдики, уни бировларга кўрсатишдан ор қилади келин, зеро келиннинг бу тадбири Ўсарбойгаям охири маъқул тушганди. Бироқ кампир бари бир кечаси бир неча марта пастга тушади...

Кундузи ухлайди-да, кечаси уйғоқ: гоҳо ўзидан ўзи (балки қўрққанидан) хассаси билан эшик, деразага уриб, кимларнидир сўкади ва гўё аллакимлар билан гаплашади...

Ўсар Ҳожарга уйлангач (уйланганигаям йигирма йилдан ошди), ана шу эски уйчага тақаб бир даҳлиз ва бир меҳмонхона-ётоқдан иборат бошпана қуриб олган эди: ҳамон шу бошпана — буларнинг қўрғони.

Ҳожар ана шу «қўрғон» айвончасига чиқаркан:

— Яхши бўп кетади? Нима яхши бўп кетади?— деб бурилди. — Яна нашани уриб авария қиласиз...

— Бўлди-и! — бўкириб юборди Ўсар. — Ҳе, энангди... Мен нима ғамда-ю, бу нима дейди! Оғзингдан чиқиб ёқанга ёпишсин, силкасал. Ҳа?

— Сиз мени сил қилдингиз.

— Вей, энанг нима касал билан ўлиб кетди?.. Бўл, бўл! Қорин оч...

Ҳожар ҳу ортиб, чайқалиб даҳлизга кириб кетди. Ўсар яна керишиб: «Аҳ қўл чиқиб кетган экан-да, — деб ўйлади: у мошина педалларини босишдан «оёғи чиқиб кетгани»ни кўзда тутарди. — Майли. Ана энди бир мошина тош — ўн сўм... Йўқ, ҳадемай йигирма-ўттиз сўм бўлади,— дея ўйини давом эттирди. — Хўш, кечаси ташиймаи... Завгарга яна бериш керак. Йўғасам мошинани чиқартирмайди гараждан. Ҳе, энағар...»

Унинг бари бир қайфи жойида эди.

Ҳожар инқиллаб-синқиллаб бир коса димлама олиб келди. Четда четлари қатлаб қўйилган дастурхонга ошора қилиб, яна изига қайтди. Ўсар дастурхонни узалиб тортиб, очди. Қора-қора гўштларидан сарғиш-сарғиш картошка ва бўккан нон бурдалари кўп димламани қўли билан тушираркан, чодир-шолча қимирлаётганига эътибор қилди-ю: «Момомгаям овқат бердингми? — дея сўрамоқчи бўлди. Хотини яна айвонга етган эди, тилини тийди: кампир эшитади. — Лекин бари-бир ҳидини сезди», деди ичида ва табъи хира бўлиб, баттар жаҳли чиқа бошлади.

— Ҳой!

— Чой қўйдим, — деди хотини.

— Чойинг... — «Бўлмайди. Бу ишни бирёғли қилмасам бўлмайди! — деб ўйлади-да, қўлидаги картошкани косага ташлаб, бунга сарифиғони чиқиб (егиси келаяпти!), ирғиб турди. Шунда чарчаганиям ўзини билдириб ва бир алами бирданига ўн бўлиб, супадан сакраб тушди.

Ялангоёқ югуриб бориб, даҳлизга кирганди, икки оташхонали газ-пилта ёнида турган Ҳожар таппа ўтириб олди.

— Урманг-урманг, отаси.

Бу гапни эшитиб, Ўсарнинг ургиси келиб кетди. Ҳатто қўлиниям кўтарди-ю, сўнгра ўзиям шилқ этиб, кигизга ўтира қолди.

— Ҳой, менга қара, — деди хириллаб. — Урмайман. Ўрсам, қўлим синсин.

— Нима?

— Кампир, менга айт, — деди Ўсар бошини эгиб. — Шу момом ортиқчалик қиляптими, а?— Бу гапни илк бор тилидан чиқаргани ва, демак, қулоғиям эшитгани учунми бутун вужуди титраб кетди. — Айт, хотин, — деди ғиғламсираб. — Айт... Энасини урай бу дунёни, бирим икки бўлмади. Эртадан кечгача ишлайсан, қизингга бир тупли оберолмайсан. Бу нима... — Кейин ўнг қўлини чойнакдай мушт қилиб, ўзининг чаккасига бир туширди. — Бу каллаям вақтида ишламаган. Кенжа ўқисин, шу одам бўлсин, деб рабочилик қилиб кетдим. Мана уям кунини кўриб кетди...

— Бачадан нолиманг, — деди шунда Ҳожар.— Чорбоғди ташлаб кетди...

— Гапти бўлма! — Ўсар энди кигизни муштлади. Кигиздан кўтарилган чанг димоғига уриб, негадир наша чеккиси келди. Бироқ бир тутун олсаям тўпиғига сув чиқмай қолишини яхши билгани учун, йўқ, момоси йўриғидаги «иш»ни ниҳоят «бирёқли» қилиш аҳдида туришни ва «бирёғли қилиш»ни шарт деб билиб: — Айт, — дея яна ҳириллади. — Айтмасанг, ё сени, ё ўзимни бир бало қиламан.

Хотин деворга тиқилди.

— Менинг у кишига ёмонлигим борми?

— Ёмонлигинг йўқ... Биламан. Кампир ҳам сендан рози... Лекин сени ўйлаганинг бор... — Ўсар хотинига кўзлари қонсираб тикилди — Мен сезиб юриппан... Ҳа, мени аҳмоқ дема! Ҳе, сен ушлаган товуқнинг дуп-парини узиб қўйганман!

— Ахир...

— Гапир. Ичимди еб кетаяпти... Очман. Сени еб қўяман, энағар.

— Энамди сўкманг.

— Бўпти, сўкмайман.

— У раҳматли мен — бахтсизни туққанки, сизди уйингизда журиппан...

— Уҳ! — Ўсарнинг юраги эзилиб кеди: Ҳожарни яхши кўради, Ҳожарни яхши кўриб олган... — Мени кечир, — деб юборди бирдан. — Сени чертишга қўлим бормайди, шундай яхши кўраман! Лекин... тилинг ёмон...

— Мен ҳам сизга... азоб бўлсин, деб гапираманми... — Ҳожар пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Уни кўриб Ўсарнинг ҳам кўнгли бузилди.

— Гапир, — деди пиқиллаб. — Муддаони айт... Бўлди, йиғлама. — Йиғлама деяппан! — дея бақириб юборди кейин. — Яна пиқ этсанг, айлантириб соламан, энанг... Астағфурилло! Одамни копир қилиб юборасан-а!

— Мен, мен сизга... — чайналиб гапира бошлади Ҳожар. — Сизга момонгизни у қилинг-бу қилинг деганим йўқ. У киши — мениям момом... — Унинг кўзидан яна ёш қуйила бошлади. — Қизингиз техникумига кетади. Ўзим касал...

— Энди, сени дўхтирга кўрсатаман. Бошингни кўрсатаман! Тошкенга обораман! — деб юборди Ўсар ва аёлининг синиқ жилмайганини кўриб, энди чап мушти билан бу чаккасига солди. — Ўлай агар, қасам ичаман!

— Майли, раҳмат, ўзингизни урманг, — деди Ҳожар. — Ўзи сиз каллага уришни одат қипсиз.

— Бас! Хумори тутаётган бўлса...

— Вой, худо.

— Айт!

— Уф, энди бир оғзимдан чиқиб кетиб эди-да.

— Ҳа, балли!

— Тузук-тузук кишилар ҳам...

— Ҳа.

— Анави... — Аёл тағин инграб йиғлашга тушди. — Ўлай агар, мен ўйлаган бўлсам...

— Ўйлагансан. Ўйламаган бўлсанг, ўша гапти айтмас эдинг! Нима эди у? Хўш?

— Ахир, биласиз-ку? — Баттар ҳўнграб юборди аёл. — Бошда... ўзингиз топиб келган эдингиз у гапти!

— А-аа, ўзимми?

— Ҳа!

— Маладес. Кейин сиз нима деб эдингиз? А? — тағин ҳайқириб қолди Ўсар.

— Астароқ гапиринг, э, — ёлворди келин. — Қулоғим очиқ ахир. Менга қаранг, чолжон... Овқатингизни женг. Қорнингиз оч, жаҳлингиз чиқаяпти.

— Йўқ, Ҳожар, — деди Ўсар. — Пичоқ бориб суякка қадалган. Энди бу ишни орқага суриб бўлмайди... Бугун ҳал қиламиз, бугун! Эшитяпсанми? Ҳозир...

— А, яна нима дейин?

— Ҳали айтдингми?

— Уҳ... — Аёл бирдан эрига бақрайиб қолди. — Ҳа, — деди сўнгра овозиям ўзгариб. — Айтиб эдим. Шу момонгизди... шу қариялар детдомига оборсангиз... нима бўлади, деб эдим. Ҳа, нашани уриб олган эдингиз, хўп қулдингиз. Эртаси урҳо-ур... Мана, чаккамди ёрдингиз...

— Ҳа-а, хўп иш қилган экенман-да. Қани, қайси чаккангди? Энди соғини кўрсат... — Шундай деди-да, икки қўллаб кигизга муштлади. Яна гуп этиб кўтарилган чанг афтига урилди. — Ҳе, энасини... бу ҳаётти...

У сэпчиб туриб эшикдан ташқарига қаради, беихтиёр кўзи катта ёнғоқнинг барги тўкилиб сўппайиб қолган шохларига тушди. Бир шохга кўниб турган чўғурчуқлар дув кўтарилди. Ўсар маҳзун тортиб: «Ҳее кетди... Момоям кетади. Шу, шу ёнғоқниям экиб ўстирган-а!» — деди.

Ҳа-ҳа, анави ўрикларниям, беҳи, қизил олма, лойҳонадаги олчалар...

Бу дарахтлар ҳам — кампирнинг болалари. Ўзи шундай дер эди... Ажаб, дарахт одамзотдан эрта қарир экан-а? Йўқ, булар тенг қартайишди чамаси.

Бироқ бари бир момо ўлгандан кейин ҳам бу дарахтлар ҳосил бераверади: бизга...

— Чол, — деди Ҳожар.

— Нима? Кўр бўлгир! — деди Ўсар. — Қара, биз учун ўстирган бу боғни! Се-ининг болаларинг учун, ғалча! Неваралариминг оғзи тегади деб... Э-э, фалак! — Ўсар титраб-қақшаб, бир нималарни остин-устин қилиб юборадигандек шишиниб кетди. Сўнгра минғирлаётган хотинига қараб: — Ҳой, нокас, оборий... оборий ташлолмайманми? — деб юборди бирдан. Ва бу гапидан ҳам ўзи ҳайрон қолиб, ҳамда ниҳоят тополмаётган нимарсасини топгандек бўлиб авж қилди. — Йўқ, мен ҳазил...

— Вой, бас, — деди келин. — Йўғаса мени оборий ташланг ўша ерга.

— Сени? Сени бошига урадими? — қиқирлаб кулди йигит. — Нодон! Буни топган гапини қаранг!

— Бў-ўлди, бошқа гапирсам, ўлай.

— Сен ўлмайсан, сен ҳали гапирасан, — ғудирлаган кўйи боз оташин бўла бошлади Ўсар.— Шу кеча... Йўқ, эртагаёқ яна минғир-минғирни бошлайсан, ҳаромм.

Шунда Ҳожар яна эрига боқиб қолди-да, секин туриб эшикка йўл олди.

— Ҳа? — деди Ўсар.

— Тортинг қўлингизни...

— У-ў, тилим чиқиб қолди де? — шунда йигитнинг юраги қаттиқ сиқилиб кетди: нимага бунча гапиряпти? Майда-чуйда гаплар... Ахир, муддао аниқ-ку?

«Шошма, бирон ҳаптага оборий қўйсам-чи?» — деган ўй келди хаёлига. Ва бу «режа» унга шунчалик маъқул тушиб кетдики, бу ўйнинг илгарироқ келмаганидан ҳатто ҳайрон қолди: ахир, кампирнинг қадри ўтади, пушаймон ейди бу...

Бунинг устига кўни-қўшниларнинг таънаси... Йўқ-йўқ, уларга билдирмайди.

«Укамникига, Кенжаникига оборий қўйдим. Соғинган экаплар», дейди.

Кейин Кенжаям бу «иш»ни билиб, роса йиғлайди... Балки кампирни уйига олиб бради..»

Бу орада хотини Ҳожарнинг ғоят изтиробга тушиши, ўзини минг бор лаънатлаши ва, демак, Ўсар «тантана» қилиши, хотини устидан мардона кулишини ўйлаб:

— Бўлди! — деди. — Ҳой, кампирнинг уйига кир. Ул-булини йиғиштир... — Хотини бақрайиб қолди. — Сенга айтяпман, кўзинг ўйилгир! — ўдағайлади Ўсар. — Бўлди, муддаонгга етдинг... Эн-насини... бу дунёни! — Кейин ўзининг гаплари ўзига кор қилиб, кўзларига ёш тўлди. — Бу ҳукумат номард экан, энағар... Кампирни ишлатиб-ишлатиб, охири пенсия ҳам бермади... Хайрият, отам учун ўттиз сўм олади...

— Бўлди қилинг, шаҳдингиздан тушинг, — эрининг елкасигами-ёқасигами қўл узатган эди, Ўсар тисланиб кетди. — Йўқол! Бор, айтганимни қил!

Ҳожар изига қайтди-да, газни шарт ўчириб, бояги жойига ўтириб олди.

Ўсар уни тепадигандек хезланди.

— Турмайсанми?

— Йўқ.

Ўсар бир зумда уни тепиб-тепиб сулайтириб ташлашини ўйлади: ўзи касалванд, ўлиб қолса...

Йўқ деяпти-ку? Пушаймон ея бошладм-ку?

Энди гапдан қайтмаслик керак: ҳали бунинг йиғилари, пушаймонлари олдинда.

Ана унда Ўсар қаҳқаҳа отади.

ҚУШЛАР ПАРВОЗИ

ЮРТИМИЗНИ ЎПҚОН чегарасига етаклаб келган, халқимизнинг боқийлигини қарийб хавф остида қолдирган буйруқбоз маъмурий тузумнинг бошимизга солган энг буюк фожиаси — маънавий инқироз, деб биламан. Асрий обидаларимиз емирилмоқда, денгизимиз аёвсиз қуриб бормоқда, ҳаво заҳарга тўлаётибди... Лекин бу шўришлар карвонининг бошида манқуртга айланган одам боласи имилламай пилдираб кетаётир. Элимизни қулга айлантиришга бел боғлаган тузум қиличининг тиғи ёдгорликка ёхуд денгизга эмас, айнан ана шу шўрликнинг онгига санчилган.

Ҳа, турғунлик деб айтилаётган ёвуз тузумнинг мақсади ўзбекнинг хотирасини эзиш, миясини пуч ғояларга тўлдиришга қаратилган эди. Бундай калтафаҳм одам қолганини ўзи қилаверади. Унга боболаринг саводсиз эди, дейишди, қул эдинг, биз сени озод қилдик, дея уқтиришди, қолоқ хурофот-бидъатларингни ташла бизнинг одатларни ўрган, дейишди. Энди бу шўрлик манқурт боболарининг мозорини бузди, Оролни қуритиб, унинг ўрнига ҳам пахта экаман деб қарор қилди, ёдгорликларни йиқитиб, ғиштидан заҳарли дорилар сақланадиган омбор қуриб олди. Тинимсиз чақириқларга қарамай, бу манқурт ҳали уйғонганича йўқ. Уйғонганда ҳам дўконлардаги тақчилликдан, қимматчиликдан ғазабга миниб, дуч келган одамни тишлаб тортишга тайёр туради, бу тақчилликнинг ортида турган чириган иқтисодий муносабатларни кўрмайди. Бугун тузум ана шу ғазабга минган одамни гиж-гижлаб, шу тузумни ўзгартиришга ҳаракат қилаётган беш-ўнта навқирон йигитларга қарши қайрашга ҳаракат қилмоқда. Фожианинг улканлигини қарангки, биз ҳаётбахш қайта қуриш сиёсати, демократия берган мустақиллик нафасини ўз қилимиз билан бўғиб қўйишимиз мумкин. Эркнинг, бирликнинг қадрига етиш лозим.

Мен манқурт одамни ҳар куни учратаман. Ундан хафа бўлмайман, аксинча, унга раҳмим келади, чунки ўзи шу қўйга тушгани йўқ, шу қўйга солиш учун йиллар бўйи сиёсат юргизишди ва мақсадларига етишди. Манқурт — ҳар қанча даҳшатли, кучли бўлмасин, у қурбондир, маккор тузумнинг қурбонидир.

Энг енгил, бир қарашда беозор кўринадиган мисолдан бошлай қолайлик. Ноябрь ойининг бошида каминани жумҳурият телевидениеси «Ёшлар оқшоми» кўрсатувига таклиф қилди, мен ҳарбий ислоҳот, аёлнинг жамиятдаги ўрни, олий таълим ҳақида айрим мулоҳазаларимни айтдим. Тасаввур қиласизми, икки кун ўтгач ушбу чиқиш бирлашма мажлисида, ўн кун ўтгач, Ўзбекистон Давлат телевидениеси умумий мажлисида баҳсга сабаб бўлди. Хўш, шов-шув гап кўтарилгандир, фикрлар баҳси бўлгандир, деб ўйларсиз. Афсуски, бундай эмас. Мажлис минбарига кўтарилган муҳаррир сўзма-сўз шундай деди: «Буни қаранг, Ўзбекистон халқ депутати ойнаи жаҳонда калта енгли жинси кўйлак кийиб чиқди, яна кўк соат таққан. Энг даҳшатлиси шуки, жинси кўйлак чўнтаги устига депутатлик нишонини тақиб олибди. Шундай ҳолда эфирга қўйиб бўладими?» Юз эллик-икки юз киши енгил хўрсиниш билан қарши олган даъво шу. «Энг даҳшатлиси шуки» биров чиқиб тўғри-нотўғри демади. Максим Горький «Бемаврид мулоҳазалар»ида шундай ёзганди: «Ўлдириш осон, билдириш қийин!» Агарда каминанинг фикрлари баҳсга сабаб бўлса, суюнардим. Чунки, фақат тўғри гапираман деб айтолмайман. «Даҳшатлиси шундаки», бошқа жўяли фикр бўлмагач, кийимга қарши бир гап айтилади. Баҳона қидирилади. Инқилобдан сўнг «Комсомол аъзоси бўйинбоғ тақиши лозимми, йўқми», деб баҳслашган эдилар. Шунда Владимир Маяковский: «Гап тақиш-тақмасликда эмас, бўйинбоғ одамга боғланганми ёки одам бўйинбоққа боғланганми — гап шунда!» — деганди.

Агарда камина телевидениеда оқ кўйлак қора костюм кийиб чиқсам, мулоҳазаларим тўғри бўлиб кетса, албатта, шундай қиламан. Аммо кўриб турибмиз — ҳар йили тикувчилик фабрикалари бир неча миллион галстук тикиб сотувга чиқаради. Агар магазиндан бўйинбоғ олиб таққан кишилар ақлли бўлиб қолганда, ҳар йили бир неча миллион кишига «ақл кирган» бўларди.

Телевидение ходимининг юқоридаги фикри — бу хусусий бир факт, лекин турғунлик одамларни қай ҳолга солганини кўрсатади.

Бошқа бир қолатни олайлик. Бу гал ҳам ўзим кўрган-билган воқеани айтаман, чунки қулоққа чалинган гапларни ташиб юрадиган одатим йўқ. Куни кеча бозордан қайтаётиб елкасига тўрхалта осган, икки қўлида ҳам халтада юк кўтарган 25—30 ёшлардаги аёлни учратдим. Оғирликдан ерга киргудай қийналиб бекатга томон борарди. Юким енгилроқ бўлгани учун ёрдамлашиб юборай дедим: «Кечирасиз, менга беринг, бекатгача элтиб берай!» Аёл қайрилиб ҳам ўтирмай: «Нари тур, шилқим!» — деди-да, йўлида давом этди. Албатта, ундан хафа эмасман, бундан худо асрасин. Ахир, шўрлик аёлга ўттиз йилдан буён биров юкингизни кўтаришаман, демагандир. Аёл аллақачон бировдан яхшилик ҳам кутмай қўйгандир. Астойдил ёрдамлашаман десангиз ҳам, тушунмайди, унақа ёрдамлашадиган одам дунёда қолмаган, деб ўйлайди.

Чунки биз аёлларни ҳам эзозлашни ёдимиздан чиқардик. Хоразмий «Муҳаббатнома»да: «Қора менг хол ёноқингга ярашур, Бошим доим оёқингга ярашур», — деб аёлнинг ўрнини бошдан юқорида белгилаган эдилар. Инқилобдан сўнг биз аёлни юқоридан ёнимизга олиб тушдик, — «ҳамма тенг ҳуқуқли бўлди!» —кейин уни далага олиб бориб, қўлига кетмон бердик. Шоирларимиз ҳам энди ёрни «ёноғидаги менг холи»ни эмас, «қадоқ қўллари учун» сева бошладилар. Шунинг учун ҳам ўша қўчадаги юк кўтарган аёл самимий ёрдамни тушунмайди. Агар сиз яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, кулгига қоласиз.

Бир зумгина аёлни шунчаки ғўзаллиги учун, боласини кетига шаппатилаб чўмилтираётгани учун, сиздан норози бўлиб ишга кузатса-да, ортингиздан ҳавас билан термулиб қолгани учун, борингки, бу дунёда борлиги учун севгиси келади кишининг, аёл ҳақида оппоқ варақда ой нуридай тиниқ шеърлар ёзгиси келади кишининг.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да тўрт боласини ўз қўли билан ўлдирган аёл ҳақидаги мақолани юрагимиз эзилиб ўқидик. Айтинг-чи, бу хусусий ҳодисами? Йўқ. Бир йилда мамлакатда юзлаб аёл ўз фарзандини ўлдирган. Ўша аёлларнинг ўзлари ҳам бу дунёдан безор эдилар. Бу фарзандлар ҳам азобга қолади, деганларнинг эҳтимол? Муқаддас ҳадисларда аёл ва етим ҳақига хиёнат энг катта гуноҳ саналади. Мана эътиқоддан, боболардан кечиб, биз қайси кунга етиб келдик.

Албатта, бугунги оғир ҳаёт олдида ўтмиш кўзимизга жаннат бўлиб кўринмоқда, коммунизм афсона эканлигини билиб қолгач, энди астойдил ўтмишга ишона бошладик. Бу ҳам алдамчи тасаввур, холос. Энди янгича демократик, мустақил юрт қуришимиз керак.

Социализмнинг маъмурий-буйруқбозлик тузумига шундай бегоналашган, бир-бирини еб қўйишга тайёр турган, тилини, одатларини унутган халқ керак эди. Бундай халқни бошқариш осон эди. Энди ўзбеклар ҳам уйғонганда, ана шу ғазабни авжига миндириб, мана, булар ёввойи, экстремист, демократия бўлса, улар бир-бирини ейди, деб вайсаётган, жиноятчилик авжига чиққанидан фойдаланиб, эртага улар билан демократларнинг бошини ёришга тайёрланаётганлар ҳам йўқ эмас.

Биз марказда порахўрликни «Ўзбеклар иши» деб айтишса, ҳақли норози бўламиз. Чунки халқимиз порахўр эмас. Аммо амалдорларимиз-чи? Порахўрлик мансабдорлар орасида авжига чиққанини яширишдан на ҳожат?! Порахўр — оддий боғча мудирасими ёки министрми — бари бир мансабдордир, чунки у пора эвазига иш битказиб беради. Иш битказиш эса фақат мансабдорнинг қўлидан келади. Айримлар ёғаётган ёмғир учун ҳам «олиш»га тайёр. Ҳавас қилаётган мустақилликка эришармиз, лекин тоталитар (ҳокимпараст) мамлакатни парчалаб, тоталитар жумҳуриятни вужудга келтирмайлик, демоқчиман. Биз қуришга интилаётган жумҳурият ўша Алишер Навоий орзу қилган, Абу Наср Форобий зикр этган «Фаровонлик шаҳри» каби адолат, ҳақиқат ва, албатта, меҳр-шафқат ҳукмрон бўладиган мустакил давлат бўлсин. Бундай давлатни эса ҳасадган, бачкана туйғулардан йироқ, мустақил одамлар қурадилар. Шундай одамларнинг қадами эшитилмоқда. Улар эшик қоқмоқдалар. Ўйлайманки, улар бировнинг кетидан пойлаб юрмайдилар, боболарнинг қабртошига қўнган чангу ғуборни артадилар, биз имлосини тушунмаётган китобларни равон ўқийдилар, минораларимиздан кўчган ғиштни жойига авайлаб қўядилар, янги куннинг дарвозасини очадилар. Янгича одам. Шоир айтганидай:

Турар, у ғўдакдай беғубор кулиб,
Балки кулгиси ҳам биздан мерос бу.
Риштан жонида бир зарра бўлиб,
Бизнинг қонимиз ҳам гупургай, рост бу...

МАҚОЛАНИ ЁЗИБ тугатганимда тонг отиб қолганди: деразани очдим, субҳидам ҳавоси гувиллаб эсди. Кўзим сал нарироқда йўлнинг кунгай бетида чумдугини ажриқларга ишқаб турган чумчуқларга тушди. Чумчуқнинг бизнинг сиёсий баҳсларимиз, сессия ва мажлисларимиздан хабари йўқлигидан кулгим қистади. Ҳа, ҳаёт давом этаверади: ўтлар ўсаверади, ёмғирлар ёғаверади, қушлар учаверади, келинчаклар бешик тебратаверади, одам дунёга келиб кетаверади... Лекин таскинбахш фикр шуки, умрни юксак ҳисларга сарфлаб, халқимизнинг ёруғ эртасини бир қадам бўлса-да, яқинлаштиришга уринмоқдамиз.

Қушлар ҳуркиб, осмонга — Ватанига кўтарилади.

Мен ҳам дафтаримни йўлхалтага жойлаб, Ургутга — менга овоз берган одамлар қошига жўнайман.

Карим БАҲРИЕВ,
Ўзбекистон халқ депутати

БИЗ СЕНГА СОДИҚМИЗ

Адабиёт газетаси менинг доимий ҳамроҳимдир. Барча рўзномалар ўз йўлига-ю, аммо мен ҳаёт фаолиятимни шу ҳафталиксиз тасаввур этолмайман. Сабаби, у менга жумҳуриятимизда бўлаётган муҳим воқеалардан ҳам адабий жараёндан хабардор бўлиб туришим учун керак. Ҳар шанба ва якшанбани (ҳафталик чиқадиган жума кунини эмас!) интиқлик билан кутаман, лекин душанба куни ҳам севимли ҳафталигимни ололмайман. Негаки, қайта қуришнинг сўнгги йилларида вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида матбуот тарқатиш анча сустлашиб қолди.

Шунга қарамай, ҳафталикда эълон қилинган ҳар бир мақолани чуқур мамнуният билан ўқийман. Улар ҳақида дўстларим ва талабаларга сўзлаб бераман. Шахсий кутубхонамда ушбу газетанинг камида ўн беш йиллик тахлами сақланади. Шу йиллар давомида чиққан ҳар бир сонда эълон қилинган мақолаларнинг рўйхати ёзилган дафтаримдан фақат ўзим эмас, талай дўстларим ва мен таҳсил бераётган талабалар ҳам унумли фойдаланишади. Ўша рўйхатдан зарур сонни керакли одамга тез топиб бераман. Бу қанчадан-қанча изланувчан ўқитувчи ва талабаларнинг илмий ишларига ёрдам берди. Мана шунинг ўзи ҳам ҳафталикнинг бизга нақадар зарурлигидан далолатдир.

Лекин бу йил барча матбуот нашрларининг муштарийларига қийин бўлди. Баъзи нашрларнинг обуна баҳоси икки баравардан ҳам зиёда ошиб кетди. Уч-тўртта газетага ёзиламан десак, салкам юз сўм пул керак бўлади. Умуман, обуна нархининг оширилиши, менимча, бу қайта қуриш ва демократия душманларининг иши. Уларнинг мақсади энг ҳақгўй, энг тўғрисўз, ошкора фикр юритадиган нашрларнинг овозини бўғишдир. Чунки, айнан халқимиз севиб мутолаа қиладиган нашрларнинг нархи кўпроқ қимматлашган. Бу яхши матбуот нашрининг халққа кўпроқ етиб бориши йўлига қўйилган сунъий ғовлардан биридир. Ҳозирги обуна жараёнини кузатиб, шундай фикрга келдим.

Лекин биз бари бир «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га бундан буён ҳам ёзилаверамиз. Севимли газетамизни, жасоратли дўстимизни муштарийлар ҳамма вақт қўллаб-қувватлайверади.

Қадрдон ҳафталик!

Сен ўз саҳифаларингда энг ҳаётий, энг ҳаққоний, энг қизиқарли мақолаларни эълон қилавер. Биз эса сенга ҳамиша содиқ бўлиб қолаверамиз.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ
Фарғона

ДОДИМГА КИМ ЕТАДИ?

Мен оддий деҳқон боласиман. 30 йилдан бери давлат хўжалигида ишлайман. Саккизта фарзандим бор. 10 гектар ерни ижара пудратига олганмиз. Ўзим бўлимда механиклик қиламан, болаларимнинг ҳаммаси далада ишлайди. Афсуски, шу йил 25 март куни юз берган воқеа бошимизга ниҳоятда оғир, унутиб бўлмайдиган мусибат олиб келди. Ўғлим Кимсанбойни милиция ходими Эркин Сандов енгил машинасида уриб юборади ва ёрдам бериш ўрнига қочиб кетади. Фожиа оқибатида у кўп қон йўқотади. Ўғлим эндигина 21 ёшга кирган эди. Армия сафидан қайтганига уч ойча бўлганди. Кутиб-кутиб энди дийдорига тўямиз деганимизда бир умрга йўқотдик.

Мен Бекобод район ички ишлар бўлимига, район прокуратурасига ёзма равишда мурожаат қилиб, Э. Сандовни қилмишига яраша жавобгарликка тортилишини сўрадим. Лекин ҳеч қандай жавоб ололмадим. Сўнгра вилоят прокуратурасига ҳам ёзма равишда мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Бироқ орадан шунча вақт ўтсада иш ҳаракатсиз турибди. Ахир у милиция ходими бўла туриб, не-не орзулар билан 21 баҳорни қаршилаган йигитнинг умрига зомин бўлса-ю, яна ҳеч нима бўлмагандек бемалол юрса... Балки у тасодифан уриб юборгандир, лекин қон кетиб қийналиб ётган ўғлимга ёрдам бериш ўрнига қочиб кетганини қандай баҳолаш мумкин. Бу унинг виждонсизлиги эмасми? Ўғлимдан айрилганимга бир қуйсам, унинг ўз жиноятини тинчгина ҳал қилиш учун уринаётганини сезиб яна бир куяман. Инсонда инсоф бўлмаса қийин экан. Бу замонда жабр-дийданинг додига етадиганлар бормикан ўзи?!

Турсунбой РАЖАБОВ
Бекобод

ТАРИХ БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Наманганда Шарқ халқлари илмий-маданий маркази очилиши қувончли воқеа бўлди. Шўро маданият жамғармаси вилоят бўлими томонидан ташкил этилган бу марказ фаолиятини аҳолидан Шарқ халқлари тилларида битилган қўлёзма ва босма китоблар, ҳужжатлар сотиб олишдан бошлади. Бугунга келиб марказ «Равзатуш шуҳадо», «Қиссасул анбиё», 1889 йилда Истанбулда нашр этилган «Қомусул аълом» каби дин, тарих, тиббиёт, мантиққа оид қўлёзма ва босма китобларини сотиб олиш ишини давом эттирмоқда. Ҳозирги кунда марказ ходимлари Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги ҳамда Россия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Ливан, Сурия, Ирак, Саудия Арабистонидаги кутубхоналар, илмий марказлар, нашриётлар, шунингдек, Ўзбекистонда ва ундан ташқаридаги шахсий кутубхоналар ва ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, ўрганилган маълумотларни ўзаро алмашиш, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини ўзбекчага ўгириш, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини ўзбекчага ўгирилган ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини ўзбекчадан бошқа тиллар ва ҳ.к. ларга ўгириш, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини ўзбекчадан бошқа тиллар ва ҳ.к. ларга

БОҒИ БОБУР — «НАЗАРГОҲ»

Гузари қилай қўйинг сари,
Назари қилай рўйинг сари.
БОБУР

«БОБУРНОМА»НИНГ 460 йиллиги тантаналари кунларида қатнашган Афғонистон академиясининг мухбир аъзоси Асадулла Ҳабиб Ўзбекистон Президенти И. Каримов ҳузурида қабул вақтида афғон-ўзбек дўстлигининг рамзи бўлиб қолган Кобул шаҳридаги машҳур Боғи Бобурнинг ҳозирги аҳволи анчайин ҳароб эканлиги, Бобур марқади эса алоҳида эътиборга муҳтожлигини эслатиб, шу муқаддас манзилни ҳамкорликда таъмирлаш масаласини ўртага қўйганди. Шундай таклиф афғон меъморлар уюшмаси вакиллари томонидан ҳам илгарироқ ўртага ташланган эди. Ҳиндистонлик Бобур мухлислари ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишни маълум қилганлар. Хуллас, тарихий боғни янада обод этиш ҳақидаги таклифлар кўпчилик томонидан маъқулланмоқда.

Маълумки, маданият, фан, санъат соҳасидаги совет-афғон ҳамкорлиги кейинги пайтларда самарали ривожланмоқда. Хусусан, меъморий ёдгорликларни ўрганиш ва таъмир этиш соҳаларида янги имкониятлар, уфқлар пайдо бўлди. Афғонистонда қадимият обидалари жуда кўп, уларни атрофлича ўрганиш, таъмир этиш соҳасида кенг кўламда тадқиқий ишларни амалга ошириш вақти келди.

Ахир Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби улуғ ватандошларимиз қабрлари ўша муборак заминда осойиш топган. Уларга ҳурмати олий келтириш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ана шундай муҳим тарихий-меъморий аҳамиятга молик обидалардан бири «Боғи-Бобур» номи билан машҳур парк ҳисобланади. Шу манзилга Бобур ва унинг авлодлари дафн этилган. Мазкур паркни қайта қуриш ва ундаги меъморий биноларни таъмирлаш, янгидан тиклаш натижасида ҳозирги Кобул шаҳрининг энг сўлим оромгоҳини табиат, шеърият ва қадимиятни ўзида мужассам этган масканга айлантириш тарихан шарафли вазифадир.

Ўзбек классик адабиётининг намояндаси, қомусий муаррих ва давлат арбоби Бобур (1483—1530) ижодий меросини ўрганиш борасида кейинги йилларда кенг кўламда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга қарамай, унинг меъморий ва боғ тузиш соҳасидаги фаолияти деярли тадқиқ қилинмай қолиб келмоқда. Айниқса, Бобур томонидан яратилган боғ-парк тузиш санъатининг ҳақиқий намунаси сифатида асрлар оша сақланиб келган бир неча тарихий жойлар ҳали ҳам етарли ўрганилмаган. Бобурнинг боғ яратиш санъати соҳасидаги фаолияти ҳақида сўз борар экан, унинг халқ орасида «Боғбон шоҳ» деб аталгани ҳам бежиз эмас.

Бобур режаси асосида бунёд этилган ажойиб боғлардан бири юқорида айтиб ўтилган Боғи Бобур бўлиб, бу боғ буюк шоирнинг ҳоки кўмилган мемориал сифатида ҳам муқаддас хазинадир. Бундан бир неча йил муқаддам афғонистонликларнинг таклиф билан Тошкентдаги Таъмиршунослик институти мутахассислари Боғи Бобур билан танишиб, уни комплекс илмий тадқиқот ва лойиҳалаш тадбирларини белгилаб чиқишди. Мўлжалга кўра боғ янада хушманзара ва обод бўлиши керак эди.

Зикр этилган тарихий боғ Кобул шаҳрининг шимолий қисмида Шердарвоза номли тоғ жанубий ёнбағридаги жуда қия манзилда жойлашган. Сатҳи 14 гектар. Боғ атрофи баланд пахса ва ғиштли девор билан иҳоталанган. Девор тепаси кунгирадор, юзаси эса равоқлар қатори шаклида безатилган. Боғнинг асосий дарвозаси пастдаги Гузаргоҳ деб номланган сой ёнидаги йўлдан бошланади. Боғ 15 та пиллапоя шаклидаги поғона саҳнадан иборат. Пиллапоялар оша ариқ сувлари пастга шарқиллаб оқиб тушади. Ўрта қисмида учта катта фаввора кетма-кет жойлашган. Боғдаги майсазор, чорчаман гулзорлар, хушманзара дарахтлар ариқлар шалоласидан сув ичади. Парк юқорисидаги саҳналардан бирида ривоятга кўра Бобурнинг ўз қўли билан ўтказилган уч туп улкан чинор сақланиб қолган.

Бобур қабри устидаги тош

Боғнинг ҳозирги кундаги ҳолати ҳам яхши таассурот қолдиради. Фавворалар ва иккита чўмилиш учун мўлжалланган замонавий сарҳовуз, ариқлар каскади ишлаб турибди. Айниқса, бута иҳоталар ва басавлат чинорлар боғнинг кўркини очган. Аммо замонавий ирригация ва чироқлар системасининг йўқлиги, махсус иншоотларнинг қаровсизлиги оқибатида боғнинг файзи бироз ташландиқ каби ихтиролари шу шаҳарда яратилган. Бу ерда у қалъа иншоотлари, сарой-қўшклар, карвонсаройлар, ҳаммом, ҳовуз, кўприклар, масжид-мадрасалар қурдирди. Бу қурилишларда ўзининг ижодий таъсири билан янги меъморий йўналишни белгилаб берди ва боқча жойлар меъморчилигига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бобур замонида Ҳиндистонда барпо этилган муҳташам бино ва боғларни халқ орасида «Кобулий» номи билан ижобий номлангани ҳам тасодиф эмас. Бобур Ҳиндистондан ўғли Хумоюнга ёзган хатларида Кобул шаҳридаги баъзи биноларни (карвонсарой, ҳаммом ва ҳ.к.) тузатиш ва «муносиб тарҳ» билан кўнгилдагидек бежирим қилиб тиклаш зарурлигини алоҳида уқтиради. «Агар устод чорбоғни эслатади.

Боғи Бобур жаҳон миқёсида боғдорчилик санъатининг юксак тарихий намунаси сифатида тенгсиз тарихий-маданий аҳамиятга моликдир. Умуман дунё миқёсида сақланиб қолган тарихий боғларнинг энг қадимгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун уни таъмир этишда ва ундан фойдаланишда юқоридаги хусусиятларни қатъий равишда ҳисобга олиш керак. Бобурнинг Кобул шаҳрига ихлоси баланд бўлган. Чунки бу шаҳарда Бобур қўлдан кетган давлатни қайта тиклади, хассос шоир, қомусий билим эгаси, бунёдкор давлат бошлиғи сифатида элга танилди. Унинг ажойиб лирик шеърлари, илмий-тарихий рисолалари, машҳур «Хатти Бобурий» ва бошқа ёзма ёдгорликлари ҳозирги кунда ўзбек, форс, инглиз, рус тиллари ва бошқа тиллар ва лаҳжаларда нашр этилмоқда. Ҳозирги кунда Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳиндистонда Бобурнинг 500 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши, Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида ҳиндистонлик олимлар ва мутахассислар ишлаётганлиги, Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон олимлари ва мутахассислари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиши

ФУРҚАТХОНЛИК

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, маърифатпарвар ва лирик шоир, ўзбек журналистикасининг асосчиси Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудининг 130 йиллиги, Фарғона водийсида нишонланди.

Фурқат кунларини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар ҳамда Тил ва адабиёт институти, жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси, вилоят партия қўмитаси ҳамкорликда ўтказдилар.

Қўқон педагогика олий ўқув юртида «Фурқатнинг ҳаёти ва ижоди» мавзуида илмий сессия ўтказилди. Янги ахборотлар тингланди. ЎзФА мухбир аъзоси А. Қаюмов «Фурқат шеърлари матнларини ўрганиш тажрибасидан», филология фанлари доктори А. Абдуғафуров «XIX аср ўзбек демократик адабиётида Фурқатнинг ўрни», филология фанлари номзоди Л. Зоҳидов «Фурқатнинг форс тилидаги ғазаллари», илмий ходимлардан М. Зиёвиддинова «Фурқатнинг бир марсия мусаддаси», Д. Расулова «Фурқатнинг Ёркентдаги ижоди» мавзуида маъруза қилдилар.

Қатнашчилар шу куни Қўқондаги Муқимий ҳужрасини, Ҳамза номидаги янги музейни, Шайхон қабристонини зиёрат қилдилар. Сўнгра Ҳамза номидаги Қўқон Давлат театрида шоир таваллудига бағишлаб катта байрам концерти бўлиб ўтди. Концертда жумҳурият халқ артистлари Р. Мазоҳидова, Х. Лутфуллаев, Қ. Дадаев ва бошқалар Фурқат ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этдилар.

Ижодкорлар вилоятнинг Киров район хўжаликларида ҳам адабий анжуманларда иштирок этдилар. Бу учрашувлар «Партия XX съезди», «Октябрь 40 йиллиги» ва «Бешариқ» шўро хўжалиги билим юртида ўтказилди.

Бундай учрашув ва адабий анжуманлар Марғилон шаҳридаги СССР 60 йиллиги номидаги Халқлар дўстлиги орденли абрли ғазламалар «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳамда Куйбишев номидаги ипак комбинатида ҳам ўтказилди. Бу учрашувларда ўқувчилар, талабалар, ишчи ва хизматчилар, зиёлилар қатнашдилар.

Учрашувларда ижодкорлардан И. Сулаймон, Т. Малик, Ж. Жабборов, Т. Адашбоев, И. Маҳмуд, Э. Усмон ва XXРнинг Шинжонг ўлкасидан меҳмон бўлиб келган Эмин Турсун иштирок этиб, ўзларининг шеърларидан ўқидилар.

Баҳодир ВАЛИЕВ

ТУРК ОЛИМЛАРИ РЕДАКЦИЯМИЗДА

Мамлакатимиздаги ўзгаришлар туфайли ҳорижий эл-юртлар билан дўстона алоқаларимиз тобора кучаймоқда. 26 ноябрда Истанбул дорилфунунининг ректори, медицина фанлари доктори, профессор Меҳмет Жамъи Демирўғли ва шу дорилфунун профессори, атоқли олтойшунос, туркийшунос олим Осман Сартқоя редакциямиз меҳмони бўлдилар. Учрашувда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси бош муҳаррирининг ўринбосари Иброҳим Ғафуров меҳмонларга газетанинг мавзулар доираси, асосий йўналишлари, амалга ошираётган ишлари, режалари ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон жумҳурияти президентининг фан, маданият, халқ таълими бўйича маслаҳатчиси, ЎзФА мухбир аъзоси Бахтиёр Назаров республикамизда кейинги даврларда юз берган улкан ўзгаришлар, маданий ҳаётимизда содир бўлган муҳим воқеалар тўғрисида гапирди. Турк олимлари — Меҳмет Жамъи Демирўғли, Осман Сартқоя эса Туркия маданий ҳаёти, Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ўзаро маданий, илмий, адабий алоқаларни яхши йўлга қўйиш, айниқса олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш катта самаралар беражагини таъкидладилар. Дўстона учрашувда ЎзФА мухбир аъзоси, ТошДД профессори Ористой Қўчқортоев, шу дорилфунун туркий филология кафедрасининг катта ўқитувчиси Сарвар Испаҳев ҳам қатнашдилар.

СУРАТДА: Осман Сартқоя, Ористой Қўчқортоев, Меҳмет Жамъи Демирўғли ва Бахтиёр Назаров.

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

«МУШТУМ»НИНГ «КЎКДАЛА» МУКОФОТИ

Шу йилнинг 18 ноябрида «Муштум» мажалласи билан Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Кўкдала» давлат хўжалиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун шартнома имзоланди. 2000 йил 31 декабригача ўз кучини сақлайдиган бу келишувга биноан, мажалла йилига камида икки марта хўжалик меҳнаткашлари ҳузурида таниқли ҳажвчилар, хонандаю созандалар, қизиқчилар, рассомлар иштирокида «Кулги кечаси» ўтказади. «Муштум» кутубхонасини очади ва уни ҳар йили янги-янги китоблар билан таъминлаб туради. Хўжалик аҳлига мавжуд муаммоларни ҳал этишда қўлидан келганча ёрдам беради.

«Кўкдала» давлат хўжалиги эса «Муштум»да чоп этилган энг яхши ҳажвий ҳикоялар, фельетонлар, шеърлар, расмлар ва бошқа асарлар учун йилда бир марта бериладиган махсус «КЎКДАЛА» МУКОФОТИни таъсис этди.

Мукофот «Кўкдала» тўйларидаги кўпкари—улоқдагидек:

— **битта биринчи мукофот — 500 сўм пул, бир қўчқор;**

— **битта иккинчи мукофот — 300 сўм пул, бир совлиқ;**

— **битта учинчи мукофот — 200 сўм пул, бир серка;**

— **битта рағбатлантирувчи мукофот — 50 сўм пул, бир даканг хўроз.**

Мукофотлар соҳибларига Наврўз кунлари «Кўкдала»да топширилади.

— Пойтахтимиздаг қишлоғимизга сўнгги марта 1972 йил икки шоир келган эди, — дейди хўжалик сардори, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Абди Турдиев. — Аммо учрашув бўлмаган. Тинимсиз эсган «Афғон шамоли» кўз очиргани қўймаган. «Муштум» билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, турмуш ташвишларидан эзилган меҳнаткашларимизга мададкор бўлади деган умиддамиз...

Демак, «Муштум»нинг келгуси йили янада қизиқарли, янада ўткирроқ бўлишидан умид қилса бўлади.

ИЖОДИЙ КЕЧА

Ғафур Ғулом номидаги Сирдарё педагогика институтида таниқли ёзувчи, Ҳамза мукофотининг лауреати Шукур Холмирзаев билан студентларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Ижодий кечани институт проректори, профессор Акрам Каттабеков очди.

Адабиётшунослар — институт ўқитувчилари Умурзоқ Ўлжабоев, Қозоқбой Йўлдошев адибнинг ижоди ҳақида гапирдилар. Ёзувчи билан бирга келган ижодкорлар — Низом Комилов, Эркин Аъзамов, Усмон Азимов, Мирза Кенжабоев, Нодир Норматов, Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг актёри, Ҳамза мукофоти лауреати Фарҳод Аминов Шукур Холмирзаевнинг ҳикоялари, романлари, драматургияси ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашув сўнггида Шукур Холмирзаев студентларнинг саволларига жавоб берди.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

ЮРТНИНГ БАҲОСИ

САФАРНОМА

БЛУМИНГТОНДАГИ менинг ҳамхонам Мичиган университетининг профессори Филипп Миклин бўлиб чиқди. У бу ерга халқаро анжуманда қатнашиш учун икки кун аввал келган экан. Мен профессорни яқиндан биламан. Ўтган йили Миклин Оролни асраш жамоатчилик қўмитасининг таклифи билан жумҳуриятимизга меҳмон бўлиб келган ва чет эл-ликларидан биринчи бўлиб Оролни бориб кўрган эди. У қўмитамизнинг фахрий аъзоларидан.

«Орол фожиаси ва Ўрта Осиёнинг экологик муаммолари» мавзуида ташкил қилинган халқаро анжуман Индиана университетининг профессорлари Юрий Брегель ва Рональд Бейкернинг кириш сўзлари билан очилди. Анжуман тўрт кун давом этди. Ушбу изиҳомда тилга олинган барча фикрлар, мулоҳазалар, баҳслар, таклифларни бирма-бир санаб ўтиш қийин. Лекин шунга қарамай, баъзи фикрлар, нуқтаи назарларни айнан келтириб ўтиш фойдадан холи эмас.

Владимир РЕЙМАРС, биология фанлари доктори (СССР Фанлар академияси): — Орол денгизининг аста-секин қуриб бориши муносабати билан рўй берган фожиа ҳаммани ўйлантириши керак. Ҳар бир халқ ўз меҳнати билан обрў топиши лозим, масалан, японлар ўта меҳнаткаш халқ бўлганликлари туфайли бутун дунё олдида кўпроқ обрў-эътибор топмоқдалар. Бир фикрни айтсам ҳафа бўлмасизлар, деб ўйлайман. Ялқовлик ва ўйламай-нетмай бола туғаверши анъанаси ҳеч қачон халқнинг обрў-эътиборини кўтармаган. Агар кўп бола орттириш масалалари муайян тартибга солинмас экан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида истиқомат қилувчи маҳаллий халқларни озиқ-овқат билан таъмин қилиш кескин муаммога айланади. Демоқчиманки, Оролни асраш учун туғилишни аниқ мақсадлар асосида режалаштириш керак.

Минг афсуски, сўнгги пайтларда марказий матбуотда эълон қилинаётган айрим мақолаларда ҳам Орол денгизини асрашнинг йўлларидан бири сифатида туғилишни аниқ режалаш ўртага қўйилмоқда. Ҳатто табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитетининг раиси, СССР халқ депутати Н. Н. Воронцов ҳам шу фикрларни жон-жаҳди билан қўллаб-қувватламоқда. У ўзининг «Миллий хавфсизлик: обрўлар алмашинуви» («Советская культура», 1990 йил, 4 август.) мақоласида сийқаси чиқиб кетган фикрларини яна бир бор тилга олиб ўтади: «болалар туғилиши жараёнини аниқ тартибга солмай туриб, Орол денгизини асраш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас». Афсуски, туғилишни чеклаш, уни аниқ режалар асосида олиб бориш зарур деган бундай фикрлар, мулоҳазалар, маъмурий таклифлар расмий доираларда ҳам тез-тез тилга олиниб қолмоқда.

Халқаро анжуманда эса Орол муаммолари ҳақида илмий мунозаралар бўлиши керак эди. Лекин ҳеч кутилмаганда Орол четда қолиб, норасмий ташкилотлар ва Орол қўмитасининг фаолиятини муҳокама қилиш бошланди. Гапнинг тўғриси, нега шундай ҳол рўй берганини ҳали ҳам англаб ололганим йўқ. Кимга керак бўлиб қолди экан, Америка Штатларида «Эрк», «Бирлик» норасмий ташкилотлари ва Орол қўмитасининг фаолиятини таҳлил этиш?! Бу ерда қандайдир ғаразли ниятлар яширинган ётмаганмикан?! Ҳатто юртдошларимиздан бири минбарда маъруза қилаётган нотиқни тўхтатиб, ундан Орол қўмитасининг фаолиятига баҳо беришни қатъий талаб қилди. Берилган баҳо ҳам ғалати бўлди... «Менинг эшитишимча, — деди нотиқ, — Орол қўмитаси «Бирлик» норасмий ташкилоти билан қалин алоқа боғлаган. «Бирлик» ташкилоти нуқул митинглар уюштириш билан овора».

Бу хилдаги мунозаралар америкалик дўстларни ажаблантирмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун бўлса керак, анжуман қатнашчиларидан Билл Фирман танаффус пайтида менга шундай деди: «Мен тушунмадим, нима учун Блумингтонда Орол қўмитасини муҳокама қилиш керак бўлиб қолди? Тошкент ёки Москвада тил топа олмадингларми?»

Биллнинг бу саволларига жавоб бериш осон эмас эди. Гарчи шу чоққа қадар бир гуруҳ совет кишиларининг Америкага қилган ушбу сафарлари хусусида матбуотда турли-туман фикрлар билдирилган бўлса-да, биз бор ҳақиқатларни тўлалигича айта олмадик. Америкаликлар бизни Орол муаммолари ҳақида бафуржа гаплашиб олайлик, уни қутқариш йўлларини биргаликда излайлик, деб таклиф этишган эди.

Лекин надоматлар бўлсинки, қандайдир сирли бир куч ғойибдан туриб, бизни бу ишдан чалғитиб турди. Аввало, биз бу ерда Америкага кимлар бораётганини аниқ билмай қолавердик. Борганларни ким танлаган, нима мақсадда танлаган — бу ҳам сирлигича қолиб кетди. Яшириб нима қилдик. Америкадаги Орол анжуманига, Орол тақдирига заррача қизиқмайдиганлар йиғилишиб боришибди-ю, Оролни асраш қўмитасининг раиси сифатида мени (бир неча бор таклиф этилганимга қарамай) бу анжуманда қатнашишимга сирли кучлар «тиш-тирноғи» билан тўсқинлик қилишибди. Менфакат ҳамжиҳат, ҳаммаси бир-бирига ўхшаш, ҳаммаси бир-бирига ёпиштирилган, ҳаммаси бир-бирига ёнма-ён ўтирган, ҳаммаси бир-бирига ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида ваъдалар берган, ҳаммаси бир-бирига ишонган, ҳаммаси бир-бирига ишонмаган, ҳаммаси бир-бирига ишонгандек кўринган, ҳаммаси бир-бирига ишонмагандек кўрин

АБДУЛЛА ҚИЗИҚ АЙТАДУРКИ...

ҚИЗИҚЧИГА ТЎРТ САВОЛ:

— Мана бозор иқтисоднёти ҳам эшик қоқмоқда. Шунга қандай муносабатдасиз?

— Безрайиб остонада турган бўлса, нимаям дердик, майли, кирсин. Шарт шуки, олтиариқликларга жаҳондаги барча бозорларнинг эшиги очиқ, деган ваъдани берса бас.

— Сизнингча ҳукумат раҳбарлари қандай бўлиши керак?

— Албатта, шу саволингизни ярим ҳазил деб тушундим, ҳайтовур жавобим ҳам шунга яқин.

Эсингизда бўлса, таниқли ёзувчимиз Нурали Қобул бир мақолаларида, «Де Голль ўзини ва давлат бошқарувини танқид қилган кишиларга мукофот ва нишонлар берар экан», деган эдилар. Бизнинг раҳбарларимиз ҳам Де Голлдек йўл тутишларини истардим. Агар шундай бўлса борми, мукофот ҳамда нишонларнинг салмоқли қисми каминанинг кисса ва кўкрагини тўлдирган бўларди. Оҳ, қандай маза!..

— Қаерда яшаш яхши бўлса, ўша ер сенга Ватан, деган гапга қандай қарайсиз?

— Агар одобсизликда айбламасаларинг, шу саволга бир латифа билан жавоб берсам. Қиссадан ҳиссани муштарийларнинг ўзлари чиқарсинлар.

Гўнгни ичида ота-бола қуртлар гаплашишяпти:

— Дада, олмада яшаш яхшими?

— Оҳ, жуда яхши.

— Беҳида-чи?

— У ҳам яхши.

— Унда нимага ўша ерларга кетмаймиз?

— Ўғлим, дунёда Ватан деган нарса ҳам бор. Қандай қилиб уни ташлаб кетайлик.

— Орзуларингиз...

— Орзуларим кўп. Шулардан бири олтмишинчи қатор(поезд)да Туркияга бориш.

ҒОФИР—ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАҲРАМОНИ

Амалдор бўлиб ишлаётган Солиҳбойнинг данғиллама ҳовлиси. Солиҳбой ўрнидан туриб, Хонзода тайёрлаб қўйган нонуштани еб бўлиб ташқарига чиқди. Уни «ГАЗ — 24» машинасида шофёри Холмат кутиб турарди.

Солиҳбой ишхонасининг олдида машинадан тушар экан, Холматга деди:

— Болаларни мактаб, боғчага ташлагин-да, қайтиб бориб келинойнигни «Гўзаллик салони»га оборib кел.

Холматни жўнатиб, энди зинадан кўтарила бошлаган эди, ҳансираганча велосипед мининб, Ғофир келиб қолди.

Солиҳбой: — Ҳа, Ғофир, авзойинг бузуқ? Менда бирор ишинг борми?

Ғофир: — Хабарингиз бор, бу йил оламиз билан беш гектар ерни ижарага олиб пахта экканди.

Солиҳбой: — Ҳа, ҳа, хабарим бор. Планни ҳам бажарувдинг шекилли?

Ғофир: — Планни бажаришга бажардик-ку, лекин қўшимча ҳақ чиқмади. Буям камлик қилгандек, давлатданам қарздор бўлиб қолибмиз, шуни суриштиргани келдим, хўжайин.

Солиҳбой: —Сенам «закон»чи бўлиб қолибсанми, Ғофир? Давлат юлса сен камбағалдан юладими, галварс. Қарздор бўлиб қолган бўлсанг мендами айб. Узарсан, узолмасанг, яна бир икки йил «звено» бўлиб ишлаб берарсан.

Ғофир: — Биз-ку, меҳнатдан қочмаймиз, тирикчилик, болачақа деганларидек...

Солиҳбой: — Қийналиб қолган бўлсанг давлатимиз ёрдам беради: қарз олишга ариза ёз. Кейин, «профсоюз»дан, «сельсовет»дан ва соғлигинг тўғрисида маълумотнома олиб келишни ҳам унутма.

Ғофир: — Соғлигим тўғрисидаги маълумотнома нимага керак, Солиҳбой ака?

Солиҳбой: — Балким кўпчиликка ўхшаб сен ҳам сариқ касалдурсан. Қарзингни узолмай ўлиб кетсанг нима бўлади?!

Бу гапни эшитиб Ғофирнинг аччиғи чиқди.

Ғофир: — Биз ўзимизча сариқ касал бўлибмизми? Пахтани экавериб, устимиздан самолётдан дори септиравериб ўзларинг касал қилдиларинг, Мен-ку майли, саккиз боланинг онаси Жамила ҳам сариқ касал, камқон.

Солиҳбой: — Болаларингни деш қилма, бола ҳаммада ҳам бор. Оилани планлаштиринглар десак, кўнмадинглар. Нима қилардинг ўзингга ўхшаган ялангоёқларни кўпайтириб... Саккизта туққан бўлса, Жамила ҳам чарчабди-да.

Ғофир: — Ҳа, озиб кетган, бечора. Ўзига ўт қўйиб юбормаса, деб қўрқиб турибман.

Солиҳбой: — Ҳамма айб ўзингда. Уйланган пайтингда келинни қийнама, далага чиқиб юрмасин, хўп десанг, ўзимизда котибалик қилсин, десам кўнмадинг, энди ўзингдан кўр.

Ғофир: — Нимага ўзимдан кўрарканман. Ҳаммасига сиз ва сизга ўхшаган амалдорлар сабабчи. Халқнинг қай аҳволда кун кўраётгани сизларни қизиқтирмайди, фақат мансабларингни ўйлайсизлар...

Солиҳбой: — Ўчир! Ошоралик экан деб, оғзингга келганини валдирайверасанми?! Сен ялангоёқлар эмас, биз жадаллаштиряпмиз қайта қуришни. Наҳотки шунгаям ақлинг етмаётган бўлса, галварс!

Ғофир ҳам қизишиб кетди.

Ғофир: — Сиз тўраларнинг қовоқ каллаларингизни кавласа, зимистон юракларингизни чироқ ёқиб қидирса, қайта қуришдан қилча ном-нишон топилмайди-ю, яна қайта қуриш деб лоф урасизлар-а.

Солиҳбой: — Бўлди. Ғофир, экстремистлик қилма. Ҳалиги айтган жойларимдан маълумотнома олиб келсанг, бирор минг сўм тўғрилаб берамиз.

Ғофир: — Энди мен партkomга учрашмайман, «сельсовет»га ялинмайман, митингга бораман, митингга.

Ғофир Солиҳбойнинг «ҳайҳай»лашига қарамай, уйига жўнаб кетди. Уйда яқиндагина иккинчи марта сариқ касал бўлган Жамила бемажол ётарди. Ғофир Жамиланинг билагидан ушлаб деди:

— Тур ўрнингдан, Жамилам. Сариқ касал бўлсанг ҳам, камқон бўлсанг ҳам, ўрнингдан тур, мен билан хайрлаш, митингга кетяпман.

Жамила: — Социализмда ҳам митинг бўладими, Ғофир ака?

Ғофир: — Ҳа, бўлади! Тўралардан ҳақимизни талаб қиламиз. Агар мен қайтиб келмасам, болаларимни эҳтиёт қил.

Жамила: — Вой ўлмасам, ундай бўлса, митингга борманг. Худо кўрсатмасин, бирор нарса бўлиб қолсангиз, болаларни қандай қилиб боқаман, Ғофир ака?!

Ғофир: — Болаларнинг ташвишини қилма. Агар давлатимиз ёрдам бермаса, халқимиз меҳр-оқибатли: хайрия қилиб, телемарафон ўтказиб боқиб олади.

...Лекин Ғофир митингга бормади, чунки деҳқонларга ер берилди. Пахтанинг харид нархи ҳам оз бўлса-да, оширилди. Қоларверса, ўзи ва халқ сайлаган депутатларга ишонди...

Қайта қуриш давом этмоқда...

ОЛТИАРИҚЛИК МАМАРАЙИМ ВА АБДУРАЙИМ ҲАНГОМАЛАРИ

Мамарайим: — Ўхшатдим.
Абдурайим: — Кимга?
Мамарайим: — Бюрократ раҳбарга.
Абдурайим: — Нима қилардим?
Мамарайим: — Уйда касал бўлиб ётганингизда врач кўргани келса, одатингиз бўйича, бугун қабул қилолмайман, эртага келинг, деб ўша касалингиз билан ўлиб кетган бўлардингиз.
Абдурайим: — Мен ҳам сизни ўхшатдим.
Мамарайим: — Кимга?
Абдурайим: — Оврўполиккa.
Мамарайим: Нима қилардим?
Абдурайим: — Пахтани бизга эктириб, завод, фабрикасини ўзингизга қуриб олардингиз.
Мамарайим: — Ўхшатдим.
Абдурайим: — Кимга?
Мамарайим: — Аҳолига ер ўлчаб берадиган танобчига.
Абдурайим: — Нима қилардим?
Мамарайим: — Танишларга катта қадамлаб бериб, бегоналарга келганда майда қадам бўлиб қолардингиз.
Абдурайим: — Ўхшатдим.
Мамарайим: — Кимга?
Абдурайим: — Магазинчига.
Мамарайим: — Нима қилардим?
Абдурайим: — Пулга қизиқиб, ўзингиз кийиб юрган калишингизниям сотиб юборib, энангизнинг калишига пахта тиқиб, кийиб юрардингиз.

●

Мамарайим: — Оғайни, сал эвида ичсангиз бўлмайдими? Ўзингизни билмай қолибсиз-ку, — деса, Абдурайим чайқалиб:

— Нега ўзимни билмас экамман, билиб турибман, ўртоқ начайник. Масалан, ҳов анави чироғи ёниб турган уй менки. Деразадан қараб турган аёл эса хотиним. Ёнидаги сўлақмон — менман, —дебди.

●

Мамарайимнинг хотини эридан ажрашмоқчи бўлиб қишлоқ шўросига борибди.

— Мен эримдан ажрашмоқчиман.

— Нима учун? — сўрабди раис.

— Эрим кечаси ётган жойида сигарет чекади.

— Ҳозир эркакларнинг етмиш фоизи кашанда, бу баҳона бўлолмайди.

— Сигаретни чекиб, кулини менинг қулоғимга қоқади-да...

●

Кино бошланишидан олдин Абдурайимнинг хотини кинохона директорининг олдига кириб арз қилибди:

— Ўртоқ директор! Мени эрим бегона аёл билан кинога кириб кетди. Иложи бўлса, эримни чиқариб юборсангиз.

Директор кинони тўхтатиб, ички радио орқали эълон қилибди:

— Ҳурматли кинотомошабин ўртоқлар! Ораларингизда бир эркак бегона аёл билан ўтирибди. Ҳозир беш минут чироқни ўчириб турамиз, зудлик билан кинохонадан чиқиб кетсин, хотини ташқарида кутиб турибди.

Беш минут ўтгач, чироқни ёқишса, кинохонада биронта ҳам эркак қолмаганмиш.

Ёзиб олувчи Шум БОЛА



Расом И. ЗОИРОВ



Рассом Р. АҲМЕДОВ

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

КЕ, ҚЎЙ ДЕЙМАН

Мундоғ ўйлаб қарасам, ҳақиқий, кристалний раҳбарлар ўттизинчи йилларда ўлиб кетган экан, ука. Улар камбағалга ер берарди, уй берарди, аммо ўзи квартирада яшарди. Ҳозир-чи? Бир жойга бошлиқ бўлиб келдими, ишни ўзига участка, дача қуришдан бошлайди. Бунинг устига, битта запасной хотин ҳам олволади. Шуларни биронта мажлисда данғал гапирай дейман-у, ке, қўй дейман.

Мана, биззи директор. Икки ҳовли, икки хотини бор. Порани кўзингизга бақрайиб туриб олади. Аммо лейкин виговорни ҳам бебилиска олади. Агар виговорнинг жазо сифатидаги қуввати бўлганда эди, у аллақачон отилиб кетиши керак эди. Яқиндан бери эса «Хайфсан» дегани пайдо бўлди. Биззи бошлиқда шу ҳайфсан қурғурданам ярим қопча бор. Пашша чаққанчалик кор қилмайди, зонғарга. Нега сенга виговор кор қилмайди, деб башарасига шартта айтай дейман-у, ке, қўй дейман.

Шу, ҳукуматгаям тан бермай қўйдим-да, ука. Бирон раҳбарни бир идорадан виговор билан бўшатса, иккинчисига бошлиқ қилиб қўяди. Гўё бу одамлар фақат раҳбарлик учун туғилгандек. Ветеран коммунист сифатида, шартта-шартта юзига гапирай дейман-у...

Энди ука, ке, дейишимнинг сабаби бор. Аввallари, ичингдагини ошкора гапир, деяпган эди. Энди, ошкора гапирсанг «экстремист» деяпти. Бу тўралар жуда туллак-да, дарров ўзини ҳимоя қиладиган ниқоб топиб олади. Шуларни бирон газетага боплаб ёзай дейману, ке, қўй, кексайган чоғимда «экстремист» деган тавқи лаънатга қолмай, дейман.

Ўтган куни директоримиз чақириб:

— Бобой, яқинда олтмишга кираркансиз. Тайёргарликни кўринг, юбилейингизни ўтказиб бераман, — деди.

«Тайёргарликни кўринг», дегани, қуруғидан тайёрлаб қўйинг, дегани. Ҳей, порахўрликка қарши кураш кучайган сайин, биззи бошлиқ ҳам ҳукуматга ўчакишиб, баттар кўп оляпти. Ҳай, юбилейимни ўтказиб, пенсияга чиқиб олай, ўлмасам, шартта-шартта гапираман, шекилли-да, ука...

БАНКАЛАБ СОТСАК...

Мен ўзимни таништирсам, старши кўча супурувчи бўлиб ишлайман. Зиммамга юкланган учта участкани муддатидан олдин супириб-сидириб ўн йилдирки сусиялистик мусобақада голибликни қўлдан бермай келмоқдаман. Раҳбаримиз Толик аканинг айтишларича, яна қўшимча битта участкани бемалол эплашим мумкин. Ўзим саккизинчини битирган бўлсамам палитикада жуда ўткирман. Участкамдаги тоза тратуварга тупурганлардан бириккита лапашангларини ушлаб, чўнтагида борига яраша иштараб солиб, винодан ортган чақаларга газет олиб тураман, ортиқча айниб қолмасам ўқийман ҳам.

Тунов куни давлат ишларидан ортиб шартта телевизўр ҳам кўрдим. Унда сентирлик кашанда оғайниларимиз оғир аҳволда қолиб, бировлар чекиб ташлаган сигарет қолдиғи, яъни бичокнинг бир бонкасини беш-ўн сўмдан сотиб олишаётганини айтишди. Сизларга хат ёзишимга ҳудди шу передачи сабаб бўлди. Калламга ярқ этиб гарандийўзний пикр келди. Масалан, мен ҳар куни учта участкадан камида тўрт пақир бичок йиғиб, мусрга ташлайман. Жумҳурият бўйича олсак, бунақа участкалар сонмингта. Агар шуларни эринмай йиғсак, бир кунда, ўлдим деганда, икки вагон товар тўпланади. Уни банкалаб сотсак, ўрнига «Столичний» олсак, меҳнатсевар фаррошларимизни зоти паст виноларни ичишдек хўрликдан қутқарган бўлардик.

Таклифимни ўйлаб кўришларингни сўрайман. Мабодо, шу ишни амалга ошургудек бўлсаларинг, ташкилотчиликдай масъулиятли ишни ўз зиммамга олишга тайёрман.

Сизларга хат йўлловчи:

Старши кўча супурувчи Комил чатоқ



Абдураҳмон АКБАР

ЁМҒИР ҲАҚИДА ШЕЪР

Кўнгли тусаб қолса бас,
Кўкдан тушар-да,
Гулларнинг қулоғига
шеър ўқир ёмғир.
Тегиб кетса жонига
бу иш ҳам гоҳо,
Шамолвойга қўшилиб
куй тўқир ёмғир.
У шунақа сергайрат,
эркатой, синчков,
Ёғаверар дала, қир,
юзу кўз, кифтга.
Таъмирталаб бўлса гар
мабодо томлар,
Ёзиб қўяр фикрини
эринмай шифтга!

ЎЙИНҚАРОҚЛАР

— Вой, нимага булутлар Ингашмоқда йўталиб? — Деб сўрар ойисидан Шамоллаб қолган Толиб. Ойиси дер: — Булутлар, Гапга солмасдан қулоқ, Бетоб бўлишган сендек Ўйнашиб ялангоёқ!

ЕРГА СИҒМАЁТГАН ОДАМЛАР

БУ ҚИШЛОҚНИ туманда ҳам кўпчилик билмайди. Қишлоқ тоғлар орасида жойлашган. Енгил машинада у ерга бориб бўлмайди. Ҳали йўл қурилмаган. Қишда қишлоқ билан хўжалик ва район маркази ўртасида фақат от, эшак орқали алоқа бўлиб туради. Бу ерларда қиш узоқ, ёз қисқа. Қорлар бошқа жойларга қараганда анча узоқ вақт сақланиб туради. Балки шунинг учун уни Оққишлоқ деб аташар. Ҳар қалай мен шундай хулосага келдим.

«Ҳурматли редакция!

Мен ушбу шикоятни Қамаши районига қарашли Оққишлоқдан йўллаяпман. Агар бу ишга сизлар аралашмасаларингиз, охири фожиа билан тугаши мумкин. Қўшнимиз Зиёдулла Бердиев биз билан ер талашиб тинч яшашимизга қўймаяпти. Лекин ҳеч ким бунинг олдини олишни ўйламаяпти. Агар олди олинмаса, бир кун фожиа рўй беради, аммо унда кеч бўлади...

Хуррам РЎЗИМУРОДОВА».

Ушбу хат туфайли Оққишлоққа йўл олдим. Аммо у ерга боргунимга қадар қишлоқ ҳақида мутлақо бошқача тасаввурда эдим. У тоғнинг тепасидаги озгина текисликка жойлашгану элликолтмиш хўжалик шу текисликда сиқилиб қолишган. Шунинг учун ер талашиш бошқа жанжаллар бўлиб турса керак, деб ўйлагандим. Аммо тасаввурим мени алдаган экан. «ГАЗ-53» юк машинаси қинғир-қийшик тупроқ йўл бўйлаб юқорига интиларди. Бир соатлар йўл юргач шофёр узоқда — сойнинг икки томонида қўриниб турган йигирма, ўттиз уйни кўрсатиб «Ана Оққишлоқ» деди. Бу ерда текис ернинг ўзи йўқ эди. Уйлар ҳам бир-биридан юз-юз эллик, баъзилари эса ярим километргача узоқда жойлашган. Наҳотки шунча катта ерга одамлар сиғмаётган бўлса? Афсуски, шундай. Келинг, ҳаммасини бир бошидан айтайлик.

1987 йилда Халил Боболов Оққишлоқдан кўчиб кетади. Натижада унинг иморати эгасиз қолади. Шу қишлоқдаги мактаб ўқитувчиси Турсин Рўзимуродов қишлоқ шўросига ариза ёзиб ўша жойни ўғлига беришларини илтимос қилади. Қишлоқ шўроси унинг талабини қондиради. Шундан сўнг Турсин ака оиласи билан эски чордеворни бузиб янги иморат қуришга киришади. Лекин бу жойга Халил Боболовнинг қариндошларидан бири Зиёдулла Бердиев ҳам даъвогар эди. Ҳали бузилмаган чордеворга бияси ва тойини боғлаб юрарди.

1988 йилнинг 26 сентябрь куни Рўзимуродовлар оиласи одатдагидек деворни янгилаш билан банд эди. Турсин ака ўғиллари билан ишга берилганди. Бир пайт Зиёдулла Бердиевнинг ўғли Ўнгбой қўлида теша билан келиб деворни аёдара бошлади. Ўнинг қаттиқ жаҳли чиққан, тинмай сўкинарди. Шу пайт Турсин аканинг ўғиллари келиб ундан нега бундай қилаётганини сўради. Ўнгбой эса «Ким бу ернинг эски деворини бузди, буни эгаси бизга қолдириб кетган эди, нега отамни ҳақорат қилдиларинг, ҳозир ҳаммангни чопиб ташлайман», деб уларга теша ўқталди. Шундан сўнг Турсин Рўзимуродовнинг ўғиллари — Олим ва Жовли унинг қўлидаги тешасини тортиб олади. Ўнгбой уйига кетади ва ўроқ олиб қайтади. Вазият кескинлашади. Турсин муаллим воқеани авват томда туриб кузатади. Ўнгбой ҳаддидан ошгач ўғиллари Олим ва Жовли билан биргаликда уни ушлаб қўл-оёғини боғлаб қопга солиб қўяди. Воқеани уйида кузатиб турган Ўнгбойнинг онаси Зарбуви Пўлатова, кичик ўғиллари билан қуролланиб «ҳужум»га ўтади. Шунда Турсин Рўзимуродов «Буларни ҳам боғлаб қўйинглар», деб ўғилларига буйруқ беради. Зарбуви хола ўғиллари билан кочиб кетади. Воқеадан хабар топган Зиёдулла Бердиев, район марказига, милицияга боради. Ўғли Ўнгбойни боғлаб урилганини айтади. Сўнг икки милиция ходими билан бирга қишлоққа қайтади. Милиционерлар келиб воқеани ўрганишади, З. Бердиев даъвоси бўйича Турсин Рўзимуродов ва унинг икки ўғлини район марказига — мелисахонага олиб боришга қарор қилади. Лекин шу асно даъвогар жиноятчига айланади. З. Бердиев пайт пойлаб милиционерлар билан кетаётган Т. Рўзимуродовни таёқ билан уради. Натижада Турсин муаллим енгил тан жароҳати олиб касалхонага тушади. Орадан бир неча кун ўтиб З. Бердиев ва Т. Рўзимуродовга нисбатан жиноий иш кўзғатилади. З. Бердиев Т. Рўзимуродовга, Т. Рўзимуродов эса З. Бердиевнинг ўғли Ўнгбой ва хотини Зарбуви Тўлашовага енгил тан жароҳати етказгани учун терговга чақирилади.

КУНЛАР ЎТАВЕРАДИ. Икки оила ўртасидаги низо кундан кун кучайиб боради. Негадир жиноий иш судга ўтказилмай туриб қолади. Орадан салкам икки йил ўтгач, 1990 йилнинг 5 апрелида суд бўлади. Мана, суд ҳукми:

«Зиёдулла Бердиев Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти жиноят мажмуасининг 91-банди 2-қисми билан айбдор деб топилсин ва шу моддага асосан икки йил озодликдан маҳрум этилсин. Лекин ҳукмнинг баённот қисмидаги асосларга кўра З. Бердиевга Ўзбекистон ССЖ жиноят мажмуасининг 43-моддаси қўлланиб жазо бир йилга кечиктирилсин.

Жиноят ишининг Т. Рўзимуродовга тегишли қисми бекор қилинсин. Бу иш «Кўкбулоқ» қишлоқ совети ҳузуридаги ўртоқлик судига берилсин».

Суд ҳукмидан икки томон ҳам норози. З. Бердиев айбдорлигини тан олишни истамайди. Т. Рўзимуродовнинг фикрича, «ашаддий безори»га нисбатан енгиллик берилди.

Мана, суд бўлиб ўтганига ҳам салкам саккиз ой бўлди. Аммо ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Икки оила ўртасидаги низо тўхтамаяпти. Бири кўчадан ўтса иккинчисининг тош отиши ёки итини бўшатиб юборишга давом этмоқда Энг ёмони, оталар ўртасидаги низо болалар орасига ҳам совуқчилик солди ва кун сайин кескинлашиб бормоқда. Юқоридаги хатда тилга олингандек бу можаро бир кун ёмон оқибат билан тугаши мумкин.

Нима қилиш керак? Икки оиланинг биронтаси ҳам бу ердан кўчиб кетишни истамайди. Қишлоқдаги ўттиз киши «юқори»га Зиёдулла Бердиев кўчиб кетсин деган маънода хат ҳам ёзишди. Аммо инсоннинг қаерда яшашини бировлар эмас, ўзи белгилайди. «Ёшим отмиш бешга кирганда қаёққа бораман, — дейди Зиёдулла бобо. — Бу ерга бобом, отам кўмилган. Умримни кўпи кетиб ози қолди. Мени ҳам уларнинг ёнига қўйишларини истайман». Инсонни шу истакдан маҳрум қилиб бўладими? Асло!

Мени бир нарса ўйлантиради. Бу каби жанжалларни милиция, суд орқали ҳал этиш мумкинми? Боринг, Зиёдулла Бердиев икки йил қамалиб кетсин ҳам дейлик. Шу билан можаро ҳал бўладими? Аксинча кучаяди-ку. Отаси қамалиб кетса, З. Бердиевнинг болалари тинч ўтирадими? Қишлоқ кексалари, жамоатчилик қаерга қараяпти? Наҳотки, улар ҳам бир четда томошабин бўлиб туришга ўрганиб қолишди. Эсимда, бундан ўн беш, йигирма йил бурун ҳар бир қишлоқнинг ўз оқсоқоллари бўларди. Улар қишлоқлардаги жанжалу низоларнинг олдини олиб, уришганларни яраштириб туришарди. Уларнинг айтган гапи ҳамма учун қонун эди. Одамлар бу кексаларнинг гапларини қўрқканлари учун эмас, ҳурмат қилганлари учун икки қилмас эди. Қани бу нуроний чолларимиз? Ўйлаган сайин юрагинг орқага торта бошлайди. Қаёққа қараб кетаяпмиз ўзи? Қўшни қўшни билан, қишлоқ қишлоқ билан чиқишмаса. Ахир буни дин ҳам, қонун ҳам қоралайди-ку. Наҳотки динни ҳам, қонунни ҳам оёқ ости қила бошладик. Ҳозир қишлоқларга бориб ҳайрон қоласан. Икки қўшни бир-бири билан гаплашмайди. Кексалар аралашиб уларни яраштирмоқчи бўлишса жиноят мажмуаси ва унинг моддасини, битта ҳақорат сўзи учун фалон йил қамалиши ёки фалон сўм жарима тўлаши кераклигини айтади. Лекин бир умрлик қўшничилик ҳурмати бир бора кечириб юбориш қўмсаклигини, лозимлигини ўйлашни ҳам истамайди. Одамларимизнинг қонунни билгани яхши. Лекин одамгарчиликка нима етсин! Муқаддас китобларимиздан бири «Ҳадис» бу ҳақда шундай дейди: «Ўзингиз кетган қариндошларингга мурувватли бўл. Биров сенга ёмонлик қилса ҳам сен унга яхшилик қилавер...»

ОҚҚИШЛОҚДА мен бунинг аксини кўрдим. З. Бердиев ҳам, Т. Рўзимуродов ҳам ўзича ҳақиқат қидирмоқда. Аммо улар бир ҳақиқатни унутиб қўйишган. Бу бир-бирини кечириш ҳақиқати, шунча йиллик қўшничилик, одамгарчилик ҳурмати ярашиш керак. Албатта бу ишда қишлоқ оқсоқоллари, жамоатчилик бош-қош бўлиши шарт.

Қоларверса, яшаш учун қишлоқда жой кўп. Т. Рўзимуродов уйни ўзича эгаллаб олган эмас. Шундай экан, жанжал кўтариб ишни фожиага бошлаш ҳам ақлдан эмас. Тоғлар бағри кенг, ер ҳаммага етади. Буни Оққишлоқнинг оқ кўнгил фуқаролари, жумладан, Зиёдулла бобо ҳам, Турсун ака ҳам албатта тушунадилар деб ўйлайман.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

ЭЪЛОНЛАР

ОСИЁ-БАНК
ТОШКЕНТ ТИЖОРАТ БАНКИ

Банк омонатчилари ва фуқароларга шуни маълум қиладики,

1990 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН

Маълум муддатли омонатлар бўйича фоизли даромад кўп миқдорда ошди.

Муддатли омонатларнинг эгалари янги тартиб асосида шартномаларни қайта расмийлаштиришлари зарур.

Аниқ маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700093, Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 2-мавзе, 8-уй. Телефон 21-30-18.

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ ҚОШИДА ТЕАТР ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИГА КИРУВЧИ ЕШЛАР УЧУН

3 ОЙЛИК ВА 6 ОЙЛИК ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИНГ СИРТҚИ, КЕЧҚИ ВА ҚУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсига қабул қилинганлар саҳна нутқи ва ҳаракати, клуб сценарийси ва режиссураси, актёрлик маҳорати ва режиссура (этюд, масал, шеър, ҳикоя, монолог, рақс, пластика, қўшиқ, драматик асар таҳлили), театршунослик асослари, «Ўзбекистон театрларида» туркум лекциялари ва иншо ёзиш малакасини ошириш машғулотлари бўйича тайёрланади.

Практик машғулотлар катта саҳналарда ва Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларида қатнашган ҳолда олиб борилади.

Машғулотларни маданият институтининг малакали ўқитувчилари ва Ўзбекистон телевидениесининг етакчи режиссёрлари олиб борадилар.

Олти ойлик курсни тамомлаганларга имтиҳонлар асосида гувоҳнома берилади.

Машғулотлар ҳамма бўлимларда 4 декабрдан бошланади.

Қабул ҳар куни соат 16 дан 21.00 гача.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи, 2-қабат, 90-хона (Транспорт: 23-, 15-, 48-, 72-, 6-, 161-, 103-автобуслар, 33-, 23-трамвайларнинг «Маданият» саройи» бекати. Метронинг «Чкалов» станциясигача борилади). **Телефон.** 96-55-81.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 тийин

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЕҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593.

Д — 3348. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12